ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Тайиров А.Т. Даминов Ф.М.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ОПЕРАЦИОН ТЕХНИКАСИ

ЎҚУВ– УСЛУБИЙ – АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

САМАРҚАНД 2008

А.Т.Тайиров, Ф.М.Даминов. Тижорат банклари валюта операциялари, уларнинг бухгалтерия ҳисоби ва операцион техникаси.
Ўқув – амалий – услубий қўлланма
Самарқанд, Сам ИСИ, 2008.

Ушбу ўқув – услубий – амалий қўлланма, банкларда валюта операцияларини амалга ошириш бўйича Марказий банк томонидан чиқарилган ва банклар амалиётида қўлланилаётган йўриқномалар ҳамда банк раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш материаллари асосида тайёрланди. Қўлланма “Банк иши” йўналишида таълим олаётган талабалар учун ишлаб чиқилган. Қўлланмадан шунингдек, бошқа йўналиш ва мутахассисликда таҳсил олаётган талабалар, малака оширувчилар, аспирантлар, профессор - ўқитувчилар, банк ходимлари ва мазкур масалага қизиқувчи китобхонлар фойдаланиши мумкин.

Ҳқув – услубий – амалий қўлланма «Банк ва жамғарма ишлари» кафедрасининг мажлисида мухокама қилинган (баённома № 7 15 феврал 2008 йил) ва чоп этишга тавсия қилинган

Ҳқув – услубий – амалий қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий - услубий кенгашида мухокама қилинган (баённома № 8 19 март 2008 й.) ва чоп этишга тавсия қилинган.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2008 й.
© А.Т.Тайиров, Ф.М.Даминов – 2008 й.

МУНДАРИЖА:

Бўлим №	***Мавзулар***	***Бетлар***
1- бўлим	***Умумий қоидалар***	
1.1.	Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш бўйича қонунчилиги.	6
1.2.	Валюта операцияларининг турлари	6-8
1.3.	Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш бўйича назорат органлари	8
1.4.	Валюта операцияларини амалга ошириш бўйича бериладиган лицензиялар	8-11
1.5.	Валюта касса хизмати кўрсатиш тармоғининг тузилиши	12
2- бўлим	***Хорижий валюта билан амалга ошириладиган операциялар***	12
2.1.	Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб чиқиш ва олиб кириш тартиби.	12-13
2.2.	Нақд хорижий валютани сотиб олиш ва сотишда ишлатиладиган қатъий ҳисобот бланклари	13-14
2.3.	Чет эл валютасидаги пул белгилари ва тўлов ҳужжатларининг тўловга қобиллигини аниқлаш тартиби.	14-15
3- бўлим	***Валюта айирбошлаш шахобчалари ишларини ташкил қилиш тартиби.***	15
3.1.	Валюта айирбошлаш шахобчаларининг операциялари	15-16
3.2.	Валюта айирбошлаш шахобчалари ходимларига қўйилган талаблар	16
3.3.	Нақд чет эл валютасини сотиб олиш тартиби	16-17
3.4.	Нақд чет эл валютасини сотиш тартиби	17-18
3.5.	Валюта айирбошлаш шахобчаси фаолиятини текшириш тартиби.	18-19
4- бўлим	***Ваколатли банкларда валюта операцияларини амалга ошириш тартиби.***	19
4.1.	Ваколатли банкларда резидентларнинг хорижий валютадаги ҳисобварақларини юритиш тартиби.	19-21
4.2.	Норезидент юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақлари	21-22
4.3.	Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақлари	22-26
4.4.	Ваколатли банкларда хорижий валютадаги ҳисобварақларни юритиш тартиби.	26-27
4.5.	Хорижда ҳисобварақ очиш учун рухсатнома бериш тартиби.	27-28
5- бўлим	***Ваколатли банклар томонидан биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби.***	28-29

6- бўлим	***Ваколатли банкларнинг валюта позицияси***	29
6.1.	Ваколатли банкларнинг валюта позицияси тушунчаси	29-30
6.2.	Очиқ валюта позициясини ҳисоблаш тартиби.	30-31
6.3.	Очиқ валюта позициялари лимитлари	31-32
6.4.	Очиқ валюта позициясини ҳисоблаш намунаси	32-33
7- бўлим	***Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоблари***	33
7.1.	Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари	33
7.2.	Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли	33-37
7.3.	Банк ўтказмалари	37
7.4.	Халқаро ҳисоб-китобларнинг бўнак шаклидаги ҳисоб-китоблари.	38
7.5.	Очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоб-китоблар	38
7.6.	Ҳужжатли инкассо	38-39
7.7.	Ҳисоб-китобларнинг вексел шакли	39-40
7.8.	Чеклар билан ҳисоб-китоблар	40
8- бўлим	***Халқаро ҳисоб-китобларнинг алоҳида хусусиятлари***	40-41
9- бўлим	***Ваколатли банкларда экспорт, бартер шартномаларини рўйхатга олиш ва уларни назорат қилиш тартиби.***	42-44
10- бўлим	***Ваколатли банкларда импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тартиби.***	44
10.1.	Умумий қоидалар	44-46
10.2.	Ваколатли банкларда импорт келишуви паспортини расмийлаштириш тартиби.	46-47
11- бўлим	***Ваколатли банклар томонидан «Ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги маълумотномани расмийлаштириш тартиби.***	47-49
12- бўлим	***Экспорт бўйича валюта тушумининг мажбурий сотувини амалга ошириш тартиби***	49-52
13- бўлим	***Ваколатли банклар томонидан эркин конвертирланадиган валютада инвестицион лойихаларни кредитлаш тартиби.***	52-55
14- бўлим	***Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда норезидент шахсларнинг ҳисобварақларини юритиш тартиби***	55-58
15- бўлим	***Миллий валюта сўмни Республика худудига олиб кириш ва ташқарига олиб чиқиш тартиби***	58-59
16- бўлим	***Ваколатли банкларга нисбатан валюта операцияларини амалга ошириш тартиби бузилганда кўриладиган чоралар***	59-60
17- бўлим	***Валюта операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби***	60
17.1.	Нақд чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов	60-62

	ҳужжатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар	
17.2.	Нақд чет эл валютасини сотиш ва сотиб олишга доир бухгалтерия ўтказмалари	62-65
17.3.	Йўл чекларини қабул қилиш ва фойдаланиш бўйича бухгалтерия ўтказмалари	65-67
17.4.	Хорижий валюта билан амалга ошириладиган операциялар бўйича ваколатли банклар томонидан тақдим қилинадиган ҳисоботлар	67-68
17.5.	«Валюта қолдиқларини қайта баҳолаш» автоматлаштирлган банк тизими	68
17.5.1.	Умумий қоидалар.	68-69
17.5.2.	А.И.Ж Интерфейси	70
17.5.3.	Валюта бўйича маълумот	71
17.5.4.	Ҳисобварақлар карточкаси	72
17.5.5.	Протокол	73
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74-75

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

1- бўлим. Умумий қоидалар.

1.1. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш бўйича қонунчилиги.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни 2003 йилнинг 11 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган.

Ушбу қонун 23 моддадан иборат бўлиб, унда:

- Ички хўжалик муомиласида ва халқаро ҳисоб- китобларда валюта операцияларини амалга ошириш тамойиллари;
- Давлат органларининг валюта муносабатларини тартибга солиш ваколатлари;
- Юридик ва жисмоний шахсларнинг валюта бойликларига нисбатан мулкчилиги, фойдаланиш ва эгалик қилиш муносабатларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- Валюта назорати асослари ва валютани тартибга солиш қонунчилигининг бузилиши учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу қонунда сўнгги йиллар давомида Республика иқтисодиёти, жумладан валюта муносабатларидаги эркинлаштириш тадбирлари ўз аксини топган.

1.2 Валюта операциялари турлари.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг 6 моддасига мувофиқ валюта операциялари икки асосий турга бўлинади:

1. Жорий халқаро операциялар, уларга:

- ташқи савдо ва бошқа жорий фаолиятнинг олиб борилиши, жумладан хизматлар кўрсатиш муносабати билан, шунингдек одатдаги қиска муддатли

банк ва кредит механизмлари билан ишлаши муносабати билан тўланиши зарур барча тўловлар;

- фоизлар ва бошқа даромадларнинг, шунингдек бошқа инвестициялардан олинадиган соф даромад шаклидаги тўловлар;

- савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларининг мақбул суммалари;

- кредитлар ва қарзларн тўлаш ёки тўғридан тўғри инвестицияларни тўлаш билан боғлиқ тўловлар киради.

Мазкур қонуннинг 7 моддасига кўра жорий халқаро операциялари ва чет эл валютасини улар билан боғлиқ ҳолда сотиб олиш ёки сотиш хеч қандай чекловларсиз амалга оширилади.

2. Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари , уларга:

- инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

- кредитлар бериш ва олиш, лизинг операцияларини амалга ошириш;

- кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;

- хорижий мамлакатлардан маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жалб қилиш ҳамда хорижий мамлакатларда маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жойлаштириш.

Мазкур қонуннинг 8 моддасига биноан капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар тегишли давлат органлари томонидан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи қарз олиш тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан 1996 йил 29 августда қабул қилинган.

Ташқи қарз – бу Ўзбекистон Республикасига ёки унинг резидентларига хорижий давлат ёки норезидентлар томонидан активларни (кредитлар, заёмлар ва бошқалар) тегишли хорижий давлатни ёки норезидентни ёки уларнинг талаби билан учинчи шахсларни маълум қилиш мажбуриятини олган ҳолда жалб қилиш ҳисобланади.

Ташқи қарз қуйидаги йўллар орқали амалга оширилади:

- Давлат ёки Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик ва жисмоний шахслар орқали заём сифатидаги кредитлар, товарлар ёки хизматлар импорти жалб қилиш.

- Ўзбекистон Республикаси молия институтлари томонидан норезидентлар маблағларини омонатларга жалб қилиш;

- Лизинг операциялари;

- Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан хорижий бозорларга облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси;

- бошқа шакллар орқали.

1.3. Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш бўйича назорат органлари.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунининг 20-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш органларига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;
- Давлат солиқ қўмитаси;
- Давлат божхона қўмитаси.

Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезедентлар томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг қонунийлиги тегишли органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида назорат қилинади.

1.4. Валюта операцияларини амалга ошириш бўйича бериладиган лицензиялар.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунининг 10 ва 11 моддаларига кўра хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун банкларга лицензия бериш иши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки зиммасига юклатилган.

Чет эл валютаси билан операцияларни амалга ошириш лицензиясига эга бўлган тижорат банклари- ваколатли банклардир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига қуйидаги лицензиялар берилади:

- Бош лицензия (тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси худудида ва хорижий мамлакатларда хорижий валютадаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини беради.)
- Ички лицензия (тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий валютадаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини беради.)
- Бир маротабалик лицензия (тижорат банкларига айрим конкрет операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини беради.)

Хорижий валютадаги операцияларни амалга ошириш учун лицензия олиниши пайтида тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қуйидаги ҳужжатларни топширади:

▲ Ариза;

▲ Банкнинг тасдиқланган Низомининг нусхаси;

▲ Банкнинг ташкилий тузилмаси, жумладан хорижий валютада операцияларни амалга ошириш билан шуғулланувчи бўлимлар тўғрисида маълумотнома (хорижий валюта операциялари билан шуғулланувчи ходимлар малакаси, техник жихозланиши);

▲ Хорижий валюта бўйича операцияларни амалга ошириш бўйича жавобгар банк рахбарлари ва мутахассислари тўғрисида маълумотнома;

▲ Вакил банкнинг (валюта операцияларини ўтказишга Бош лицензия олган) корреспондент алоқа ўрнатишга розилик хатининг нусхаси;

▲ Ички банк назоратининг ташкил қилиниши тўғрисидаги маълумотнома;

▲ Сўнгги ҳисобот санасига банк баланси ва банк фаолияти нормативларига риоя қилиниши тўғрисидаги маълумотнома;

▲ Сўнгги ҳисобот санасига даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот;

▲ Сўнгги аудит текшируви далолатномаси нусхаси;

▲ Йиллик ҳисобот;

▲ Корреспондент муносабатлар ўрнатиш мумкин бўлган хорижий хамкорлар тўғрисида маълумотнома.

Лицензия олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш муддати – Марказий банкга барча ҳужжатлар топширилган санадан бошлаб икки ой (Бош лицензия олиш учун мурожаат қилганларга).

Капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган ташқи қарз ва бошқа операциялар 2005 йил 29 январда 1457- сон билан Марказий банк томонидан тасдиқланган “Низом” асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган қуйидаги операцияларни лицензиялайди:

- банклар ва бошқа норезидент молия ташкилотлари ҳамда норезидент банк бўлмаган ташкилотлар орқали халқаро банк амалиётида қабул қилинган кредитлар, облигацион заёмлар, депозитлар ва бошқа шаклдаги хорижий валютада маблағларни жалб қилиш;
- банклар ва бошқа норезидент молия ташкилотлари ҳамда норезидент банк бўлмаган ташкилотлар орқали халқаро банк амалиётида қабул қилинган кредитлар, депозитлар ва бошқа шаклдаги хорижий валютада маблағларни олиб келиш;
- чет элларда хорижий валютадаги маблағларни тўғри ва портфел инвестициялар шаклида омонатга қўйиш (хориж ташкилотларида хизмат сафарлари, хориж давлатлари ва ташкилотларининг акцияларини сотиб олиш);
- Жорий валюта операциялари ҳисобланмайдиган бошқа валюта операциялари.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини амалга ошириш лицензияларини олиш ҳамда кредит шартномаларини ҳисобини юритиш мақсадида резидент юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- Хорижий валютада маблағларни жалб этишнинг мақсади ва шартлари ифодаланган мотивлаштирилган тавсиянома;
- Кредит шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- Лойиханинг валютани ўз ўзини қоплаш тамойилидан келиб чиққан ҳолда ваколатли банк томонидан тасдиқланган бизнес- план.
- Кредитнинг асосий шартлари
- қарз олувчининг кредиторлар олдидаги хозирги мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда тўлов мажбуриятларини бажариш (тўлаш) манбалари;
- хорижий контрагентнинг тўлик исми ва унинг юридик мақоми;
- қарз олувчининг ваколатли банкидаги ҳисобракамлари тўғрисида маълумотнома ва унинг таъсис ҳужжатлари нусхаси;
- ваколатли банкнинг хорижий валютадаги маблағларни мақсадли жалб қилиш тўғрисидаги хулосаси.

Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бўлмаган ташқи қарз шартномаларини рўйхатга олиш махсус китобда юритилади.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини мижозлар томонидан амалга ошириш бўйича ҳисоботларни тақдим этиш валюта қонунчилигининг тўғри юритилиши устидан ваколатли банклар назорат қиладилар.

Ваколатли банклар Марказий банкка ҳисобга олиш учун тақдим этилган кредит шартномалари хулосаларининг асосланганлиги бўйича жавобгар ҳисобланадилар. Улар жалб қилинган кредит маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назорат олиб борадилар.

Ташқи қарздорлик операцияларининг мониторинги ва ҳисобини юритиш мақсадида ваколатли банклар ташқи қарздорлик кредит шартномаларининг шартлари бажарилиши бўйича Марказий банкка чораклик ҳисоботлар тақдим этадилар.

1.5. Валюта касса хизмати кўрсатиш касса тармоғининг тузилиши.

Банк муассасалари мижозларга валюта- касса хизмати кўрсатиш учун қуйидаги кассаларни ташкил қилиши мумкин:

- Операция кассаси,

жумладан унинг таркибида; 1. кирим - чиқим кассаси;

2. кирим кассаси;

3. чиқим кассаси.

- Бўнак (аванс)лар тайёрлаш бўйича касса:
- Пул санаш кассаси.

2- бўлим. Хорижий валюта билан амалга ошириладиган операциялар.

2.1. Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб чиқиш ва олиб кириш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси худудидан хорижий валютани жисмоний шахслар томонидан божхона чегарасидан олиб кириш ва олиб чиқиш Т-6 шаклида божхона шаклидаги декларация тўлдирилиш йўли билан амалга оширилади.

Нақд хорижий валютани олиб чиқиш миқдори қуйидагича белгиланган:

- Резидентларга - тегишли рухсат олмасдан туриб 2000 (икки минг) АҚШ долларига эквивалент бўлган сумма;
- Резидентларга 2000 (икки минг) АҚШ доллари микдоридан ошган қисми – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ёки ваколатли банкнинг 09006 сон шаклдаги рухсатномаси билан;
- Резидентларга 5000 (беш минг) АҚШ долларига эквивалент бўлган суммадан ошган қисмига – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 09006-1 сон шаклидаги рухсатномаси билан;
- Норезедентларга – божхона декларацияда кўрсатилган миқдорда, декларацияда кўрсатилган суммадан ошиқча валютани олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ваколатли банкларнинг рухсатномаси билан.

Нақд хорижий валютани олиб чиқиш учун берилган рухсатномани бошқа шахсларга беришга йўл қўйилмайди.

Республика худудига нақд хорижий валютани олиб кириш барча тоифадаги шахслар учун чекланмаган, лекин у албатта декларация қилиниши шарт.

5000 (беш минг) АҚШ долларига эквивалент бўлган нақд хорижий валюта божхона декларациясини мажбурий тўлдириш йўли билан ўтказилади, 5000 (беш минг) АҚШ долларига эквивалент бўлган суммадан ошадиган миқдордаги нақд хорижий валюта божхона органлари томонидан Ц-28 шаклидаги гувохнома билан киритилади.

2.2. Нақд хорижий валютани сотиб олиш ва сотишда ишлатиладиган қатъий ҳисобот бланкалари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 5 июнда 474 сон билан тасдиқланган «Нақд чет эл валютасига оид операцияларни амалга ошириш қоидалари»(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 17 августда 957 сон билан рўйхатга олинган)нинг 2 бўлим 6-14 бандларига кўра, нақд чет эл валютасига оид операцияларни амалга оширишда қуйидаги қатъий ҳисобот бланклари ишлатилади:

- 09002- сон шаклдаги маълумотнома нақд чет эл валютасини ва чет эл валютасидаги йўл чекларини нақд сўмларга сотиб олиш пайтида лотин ҳарфлари билан ўзбек тилида расмийлаштирилади.
- 09004- сон шаклдаги квитанция нақд чет эл валютасини ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини инкассога қабул қилиш чоғида расмийлаштирилади.
- 09005- сон шаклдаги квитанция нақд чет эл валютасини ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини экспертизага қабул қилиш чоғида расмийлаштирилади.
- 09006- сон шаклдаги рухсатнома чет эл валютасини чегарадан олиб чиқиш билан боғлиқ рухсатноманинг берилиши пайтида расмийлаштирилади.

- 09007- сон шаклдаги маълумотнома нақд чет эл валютасини сотиш пайтида лотин ҳарфлари билан ўзбек тилида расмийлаштирилади.
- 09012- сон шаклдаги квитанция зарарланган чет эл валютасини зарарланмаган худди шу турдаги чет эл валютасига алмаштириш чоғида расмийлаштирилади.

2.3. Чет эл валютасидаги пул белгилари ва тўлов ҳужжатларининг тўловга қобиллигини аниқлаш тартиби.

Чет эл валютасидаги пул белгилари ва тўлов ҳужжатлари қуйидаги ҳолларда тўловга қобил деб ҳисобланади:

- Асосий тўлов белгилари тўлиғича сақланиб қолган (масалан эмиссия банкининг номи, рақами, серияси, сув белгилари, охангграбо белгилари, нур сочадиган тасвирлар ва бошқалар);
- Сийқаланган ва ифлосланган;
- Умумий катталиги 1-2 квадрат сантиметрдан катта бўлмаган юлиб олинган бўлаклар ёки бурчакларга эга бўлган;
- Банкнота кенглигининг 4 дан 1 қисмидан ортиқ бўлмаган елимланган кўчиришларга эга бўлса;
- Диаметри 1 мм дан кўп бўлмаган тешикларга эга бўлса;
- Банкнотанинг тўловлилик белгиларининг 50% дан ошиқ қисмини ёпиб қўймаган майда доғлар, имзолар, тамғалар мавжуд бўлганда.

Чет эл валютасидаги пул белгилари ва тўлов ҳужжатлари қуйида санаб ўтилган камчиликлардан бири мавжуд бўлса зарарланган деб топилади ва тегишли экспертизадан ўтгандан сўнггина алмаштирилиши мумкин:

- Қисмларга бўлиб ташланган;
- Тўловлилик белгилари сақланмаган;
- Бирламчи ранги ўзгарган ёки рангсизланган;
- Куйиб кетган ва қасддан қилинган хатти ҳаракатлар оқибатида зарарланган (масалан ҳимоя ипи олиб ташланган ва хк);
- Банкнотага қисман ёки тўлиқ буёқлар, сиёхлар, ёғлар тўкиб юборилган.

Қабул қилинган чет эл валютасидаги пул белгилари ва тўлов ҳужжатларининг ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилиги учун жавобгарлик уларни қабул қилган ваколатли банк ходимларига юклатилади.

3- бўлим. Валюта айирбошлаш шахобчалари ишини ташкил қилиш тартиби.

3.1. Валюта айирбошлаш шахобчаларининг операциялари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 21 февралдаги «Валюта айирбошлаш шахобчалари тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 505- сонли қарорига кўра тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шахобчалари қуйидаги операцияларни бажаради:

- Нақд сўмларга нақд хорижий валютани сотиб олиш;
- Йўл чекларини сотиб олиш;
- Нақд сўмларда нақд хорижий валютани сотиш;
- Сотиб олинган валюта суммасига кейинчалик йўл чекларини бериш орқали нақд хорижий валютани сотиш;
- Норезедентларга хорижий валюталар сотиш;
- Хорижий валютани ва йўл чекларини инкассога юбориш учун қабул қилиш;
- Хақиқийлиги шубха ўйғотадиган чет мамлакатларининг пул белгилари ва йўл чекларини экспертизага қабул қилиш;
- Дебет ва кредит карточкалари бўйича нақд хорижий валютани бериш;
- Чет мамлакатлар пул белгиларини шу мамлакат пул белгиларига майдалаб бериш;
- Чет мамлакатларнинг шикастланган пул белгиларини шу мамлакатларнинг пул белгиларига алмаштириб бериш;
- Бир чет мамлакат нақд пул белгисини иккинчи чет мамлакат нақд пул белгисига алмаштириш (конверсия).

Айирбошлаш шахобчаларида қуйидаги турдаги валюталар билан операциялар амалга оширилиши мумкин:

- АҚШ доллари;
- ЕВРО;
- Англия фунт стерлинги;
- Япония йенаси.

Айирбошлаш шахобчаси кеча- кундуз ишлаган ҳолда, операция куни соат 17-00 да тугалланади.

Айирбошлаш шахобчаси вазифа шартларидан катъий назар, фақат кўчмас (доимий) бўлиши мумкин.

3.2. Валюта айирбошлаш шахобчалари ходимларига қўйилган талаблар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 30 ноябрдаги «Ваколатли банкларнинг валюта айирбошлаш шахобчалари ходимларининг доимий ротацияси тўғрисида» ги 534- сонли қарори регламентациясига кўра:

- валюта айирбошлаш шахобчаси назоратчиси олий иқтисодий ёки ўрта махсус иқтисодий маълумотга,
- шахобча кассири ўрта ёки ўрта махсус иқтисодий маълумотларга эга бўлиши керак.

Шунингдек, шахобча ходимлари компютерда ишлаш тажрибасига эга бўлишлари ҳамда бир ёки бир неча чет тилларини билишлари талаб қилинади.

Шахобчага ходимларни ишга қабул қилиш пайтида ваколатли банк рахбари унинг илгариги иш жойи, яшаш жойидан ва ички ишлар органларидан олинган маълумотларни синчиклаб ўрганиши шарт.

Айирбошлаш шахобчаси ходимлари билан тўла шахсий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

3.3. Нақд чет эл валютасини сотиб олиш тартиби.

Нақд чет эл валютаси сотиб олинаётган пайтда 09002- сон шаклдаги маълумотнома- сертификат икки нусхада, қора қоғоз орқали тўлдирилади.

Ҳужжатнинг биринчи нусхаси 09003- сон шаклдаги «нақд пулга сотиб олинган чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги йўл чеклари ҳисобини юритиш рўйхати»га илова қилинади ва банк кунлик ҳужжатларига тикилади. У ҳисобот тузишда асос ҳисобланади ва маблағнинг сарфланишини тасдиқлайди. Иккинчи нусха мижозга берилади.

Норезидентлардан нақд чет эл валютаси, ушбу валюта четдан олиб келинганлигини тасдиқловчи божхона баённомаси мавжуд бўлсагина, сотиб олинади. Бу пайтда 09002- сон шаклдаги маълумотнома сертификат қора қоғоз орқали 2 нусхада (божхона баённомасида кўрсатилган валюта миқдоридан ошмаган суммага) тўлдирилади.

09002- сон шаклдаги маълумотнома –сертификатнинг иккала нусхаси айирбошлаш шахобчаси кассири ва назоратчиси томонидан имзоланади.

3.4. Нақд чет эл валютасини сотиш тартиби.

Нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикаси резидентларига сотиш пайтида уларнинг паспорт маълумотлари реал иш вақтида ягона электрон тизимига киритиш ҳамда 09007- сон шаклдаги 2 нусхадаги маълумотномани тўлдириш йўли билан амалга оширилади. Маълумотноманинг 1 нусхаси мижозга берилади, 2 нусхаси 09008- сон шаклдаги «нақд сўмларга сотилган нақд чет эл валютаси ва йўл чеклари ҳисобини юритиш дафтар»ига илова қилинади ҳамда кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Нақд чет эл валютасини сотиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш дафтарида қуйидагилар қайд қилиниши керак:

- Чет эл валютаси сотилган шахснинг фамилияси, исми, насаби ва паспорт маълумотлари;
- Сотилган нақд чет эл валютасининг номи ва суммаси;
- Сотилиш санаси.

Ушбу дафтарнинг варақлари рақамланган, тиқилган, банк рахбари имзоси ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

09008- сон шаклдаги маълумотноманинг иккала нусхаси айирбошлаш шахобчаси кассири ва назоратчи томонидан имзоланади.

3.5. Валюта айирбошлаш шахобчаси фаолиятини текшириш тартиби.

Тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шахобчалари фаолияти шу ваколатли банк тегишли бўлимлар ходимлари томонидан ойида камида 1 марта тафтишдан ўтказилиши шарт. Тафтиш давомида қуйидаги масалалар текшириб чиқилиши зарур:

- Сўмлар, чет эл валютаси, қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг мавжудлиги ва улар шу куни айирбошлаш шахобчасида бажарилган операцияларни ҳисобга олиб, бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мос келиши;
- Қимматликлар, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар, шунингдек шахобчанинг мухрларини олиш ва сақлаш қоидаларига риоя этилиши;
- Чет эл валютасини ҳарид қилиш ва сотиш тўғрисидаги рўйхатлар, дафтарлар, ҳисоботлар ва маълумотлар ўз вақтида ва тўлиқ тўлдирилиши;
- Бажарилган операциялар учун воситачилик ҳақи тўғри ундирилиши;
- Сейфлар, телефон алоқаси, қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш воситалари, ҳисоблаш ва компютер техникаси, шунингдек йўриқномалар, назорат ва таснифлаш тусидаги материалларнинг мавжудлиги ва уларни сақлаш тартиби;
- Айирбошлаш шахобчаси ходимлари томонидан бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши.

Шунингдек Марказий банк ва унинг худудий бошқармалари улар қарамоғида бўлган худуддаги ҳар бир шахобчани ҳар чоракда камида бир марта валюта айирбошлаш қоидалари ва меъёрий ҳужжатлар талабига риоя этишлари юзасидан текширувлар ўтказишлари талаб қилинади.

Айирбошлаш шахобчалари фаолияти юзасидан ариза ва шикоятлар мавжуд бўлса, ҳуқуқни мухофаза қилиш органлари томонидан текширишлар ўтказилади.

Текширишлар ва тафтиш якунларига кўра далолатнома тузилади. У банк рахбари томонидан 3 кун ичида кўриб чиқилиши ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун тегишли чора тадбир кўрилиши шарт.

Ўтказилган текширишлар давомида айирбошлаш шахобчалари томонидан белгиланган тартибнинг бузилиши бир неча бор (икки мартадан кўп) аниқланган бўлса, марказий банк худудий бошқармаси ушбу банкнинг валюта операцияларини ўтказиш лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳақидаги масалани қўйиши зарур.

4-бўлим. Ваколатли банкларда валюта оперцияларини амалга ошириш тартиби.

4.1. Ваколатли банкларда резидентларнинг хорижий валютадаги ҳисобварақларни юритиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 22 октябрдаги 511 – сонли «Ваколатли банкларда чет эл валютасидаги ҳисобварақларнинг юритилиши тартиби» номланган йўрикномасига кўра:

Резидент – юридик шахларнинг чет эл валютасидаги малағлари Ўзбекистон Республикаси худудидаги ваколатли банкларда очилган валюта ҳисобварақларида сақланади ва улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда фойдаланилади.

Резидент – юридик шахслар томонидан олинадиган чет эл валютаси, шу жумладан товарлар (ишлар, хизматлар) экспортидан олинган валюта тушуми, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқача қоида белгилаган бўлмаса, уларнинг ваколатли банклардаги ҳисобварақларига ўтказилиши шарт.

Резидент – юридик шахсларнинг валюта ҳисобварақларига чет эл валютасидаги қўйидаги суммалар ҳисоблаб ёзилиши мумкин:

- ташқи савдони юритиш билан боғлиқ тўловларга доир;
- ваколатли банклар оркали Ўзбекистон Республикаси худудида сотиб олинган маблағлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинган нақд чет эл валютаси;
- қонунчиликда белгиланган тартибда олинган кредитлар, чет эл инвестициялари ва қарз бўйича ўтказилган маблағлар ҳамда уларни амалга ошириш билан боғлиқ тўловлар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахсларнинг устав фонди (устав капитали)га ўтказилаётган маблағлар;
- пластик дебет ва кредит карточкалари бўйича тўловларга доир;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмалари бўйича;
- ҳисобварақ эгасининг Ўзбекистон Республикасидаги бошқа банкларда очилган ҳисобварақларидан ўтказилган;
- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа холатларда келиб тушган маблағлар.

Валюта ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра қуйидаги мақсадлар учун ишлатилиши мумкин:

- жорий халқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ тўловлар бўйича утказилиши;
- чет эл валютасидаги операциялар бўйича банкнинг воситачилик хақи, белгиланган тартибга мувофиқ ходимларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига жўнатилиши билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нақд пул шаклидаги) тўлови учун;
- кредитлар, қарз малағлари, фоизлар ва бошқа даромадлар тўлови учун;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахсларнинг чет элдаги устав фонди (устав капитали)ни шакллантиришга доир харажатлар тўловини ўтказиш учун;
- Ўзбекистон Республикаси худудида ваколатли банклар орқали сотиш учун;
- қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларини ўтказиш учун;

- ҳисобварақ эгасининг Ўзбекистон Республикаси бошқа банкларида очилган ҳисобварақларига ўтказиш учун;
- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мақсадлар учун.

4.2. Норезидент – юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақлари

Ўзбекистон Республикаси да жойлашган норезидент – юридик шахслар, шу жумладан иммунитет ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халкаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари валюта ҳисобварақларини очишга хақлидир.

Ушбу ҳисобварақларга қуйидагилар ҳисоблаб ёзилиши мумкин:

- ҳисобварақ эгасининг номига чет элдан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ҳисобварақларидан ўтказилган хорижий валюта;

Ваколатли банклар томонидан қуйидаги ҳолларда тўланиши лозим бўлган чет эл валютаси:

- хориждан ҳисобварақ эгасининг номига юборилган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари асосида;
- ҳисобварақнинг эгаси чет элдан олиб келган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари, пластик тўлов ва кредит карточкалари асосида;
- Ўзбекистон Республикаси худудида ўтказма ёзув киритилмаган, чет эл валютасидаги эгасининг номи ёзилган ҳолда банка тақдим этилган тўлов ҳужжатлари асосида;
- ваколатли банклар рухсати билан чет эл валютасида ёзиб берилган бошқа тўлов ҳужжатлари асосида тўланиши лозим бўлган чет эл валютаси;
- ҳисобварақ эгаси томонидан чет элдан келтирилган ва Ўзбекистон Республикасига олиб киришда божхона томонидан рўйхатга олинган ёхуд

ҳисобварақ эгаси учун ваколатли банк номига қимматли хат шаклида (пакетда) юборилган;

- Ўзбекистон Республикасига олиб киришда божхона декларациясини тўлдириш талаб қилинмайдиган ва божхона томонидан рўйхатга олинмайдиган нақд чет эл валютаси;
- ҳисобварақ эгаси номига чет элдан почта жўнатмалари орқали юборилган;
- амалдаги қонунчилик ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ўтказилган ёки нақд пулда олинган бошқа суммалар.

Ҳисобварақлар ҳисобида турган суммалар, ушбу ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра қуйидагича ишлатилиши мумкин:

- банк томонидан қабул қилинган шакл (банк ўтказмаси, аккредитив, чек ва х-золар) да хорижга ўтказилиши;
- банкнинг чет эл валютасидаги операциялари бўйича воситачилик хақи тўлови, ходимларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юборилиши билан боғлиқ (шу жумладан, нақд пул шаклидаги) харажатлар тўлови учун;
- операция амалга оширилган санада амал қилган харид курси бўйича республика худудида сўмда тўланиши ёки ўтказилиши;
- ҳисобварақ эгасининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларидаги ҳисобварақларига ўтказилиши, шунингдек, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган бошқа мақсадларда ишлатилиши.

4.3. Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақлари

Резидент – жисмоний шахслар (шу жумладан, юридик шахс макомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар) ва норезидентлар Ўзбекистон Республикаси худудидаги ваколатли банкларда чет эл валютасидаги ҳисобварақларни очишлари ва ушбу валюта ҳисобварақларидаги чет эл

валютасидаги малағлардан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳолда мустақил равишда фойдаланишлари мумкин.

Резидент – жисмоний шахсларнинг (шунингдек, юридик шахс макомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларнинг) ҳисобварақларига қуйидагилар ҳисоблаб ёзилиши мумкин:

1) ваколатли банклар томонидан тўланиши лозим бўлган чет эл валютасидаги қуйидаги маблағлар:

- ҳисобварақ эгаси номига чет элдан келиб тушган ўтказмалар бўйича;
- хориждан ҳисобварақ эгасининг номига юборилган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари асосида;
- ҳисобварақнинг эгаси чет элдан олиб келган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари, чет эл валютасида юритиладиган пластик тўлов ва кредит карточкалари асосида;
- Ўзбекистон Республикаси худудида ўтказма ёзув киритилмаган, чет эл валютасида юритиладиган ҳамда эгасининг номи ёзилган ҳолда банка тақдим этилган тўлов ҳужжатлари асосида;
- ваколатли банклар рухсати билан чет эл валютасида ёзиб берилган бошқа тўлов ҳужжатлари асосида тўланиши лозим бўлган чет эл ваютаси;

2) ҳисобварақ эгасининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларидаги ҳисобварақларидан ўтказилган ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган тартибда ҳисобварақ эгаси номига резидент – юридик шахслар топшириғи билан ўтказилган чет эл валютаси;

3) нақд чет эл валютаси, шу жумладан, ҳисобварақ эгаси томонидан киритилган ёки чет элдан почта жўнатмалари орқали ҳисобварақ эгасининг номига юборилган, шунингдек, ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шахобчалари оркали соиб олинган;

4) хорижий валютадаги фоизлар;

5) Ўзбекистон Республикаси конунчилик ҳужжатлари ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда ўтказилган ёки нақд пулда олинган савдо билан боғлиқ бўлмаган бошқа пул жўнатмалари.

Резидент – жисмоний шахсларнинг (шунингдек, юридик шахс макомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларнинг) ҳисобварақларига куйилган маблағлар ҳисобварақ эгасининг кўрсатмасига кўра:

а) қуйидагиларга ўтказилиши мумкин:

хориждаги жисмоний шахсларнинг номига 5000 (беш минг) АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган микдорда;

хорижга тўловнома, инвойслар ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ўқиш, даволаниш, суғурталаниш учун;

хорижга патентлар ва муаллифлик гувохномаларини расмийлаштириш, бериш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун;

чет эл давлатлари консуллик ва бошқа расмий муассасалари томонидан кўрсатилган хизматлар тўлови учун;

суд ва нотариал органлари хукмлари, қарорлари ва ажримлари асосида пул малағлари тўлови учун;

конкурслар, кўргазмалар ва мусобақаларда иштирок этиш, шунингдек шартномалар бўйича ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда носавдо тусдаги бошқа операциялар учун;

ҳисобварақ эгасининг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мувофиқ чет эл банкларида очилган ҳисобварақларига;

б) нақд чет эл валютасида (чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларида), шу жумладан. хорижга олиб чикиб кетиш учун тўловни амалга ошириш. Бунда амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган сумма миқдорида чет эл валютасини олиб чиқиб кетишга рухсат берилади;

в) операция амалга оширилган санада амал қилган харид курси бўйича республика худудида сўмда тўланиши ёки ўтказилиши;

г) банкнинг чет эл валютасидаги операциялари бўйича воситачилик хақи тўлови учун фойдаланилиши;

д) амалдаги конунчилик ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мақсадлар учун ишлатилиши.

Норезидент – жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига қуйидагилар ҳисоблаб ёзилиши мумкин:

а) ҳисобварақ эгасининг номига чет элдан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ҳисобварақларидан ўтказилган хорижий валюта;

б) қуйидаги ҳолларда ваколатли банклар томонидан тўланиши лозим бўлган чет эл валютаси:

- хориждан ҳисобварақ эгасининг номига юборилган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари асосида;

- ҳисобварақ эгаси чет элдан олиб келган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари, пластик тўлов ва кредит карточкалари асосида;

- Ўзбекистон Республикаси худудида ўтказма ёзув киритилмаган, чет эл валютасида юритиладиган ҳамда эгасининг номи ёзилган ҳолда банка тақдим этилган тўлов ҳужжатлари асосида;

- ваколатли банклар рухсати билан чет эл валютасида ёзиб берилган бошқа тўлов ҳужжатлари асосида тўланиши лозим бўлган чет эл валютаси;

в) қуйидаги нақд чет эл валютаси ҳисоблаб ёзилиши мумкин:

- ҳисобварақ эгаси чет элдан олиб келган ва Ўзбекистон Республикасига олиб киришда божхона томонидан рўйхатга олинган ёхуд ҳисобварақ эгаси учун ваколатли банк номига қиймати кўрсатилиб, хатжилдда (пакетда) юборилган, шунингдек, илгари ваколатли банкларнинг тегишли маълумотномаси асосида ҳисобварақлардан берилган нақд чет эл валютаси;

- Ўзбекистон Республикасига олиб киришда божхона декларациясини тўлдириш талаб килинмайдиган ва божхона томонидан рўйхатга олинмайдиган нақд чет эл валютаси;

- ҳисобварақ эгаси номига чет элдан почта жўнатмалари орқали юборилган нақд чет эл валютаси;

г) хорижий валютадаги фоизлар;

д) амалдаги конунчилик ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ўтказилган ёки нақд пулда олинган бошқа суммалар.

Норезидент – жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобварақ эгасининг кўрсатмасига кўра қуйидаги максадлар учун ишлатилиши мумкин:

а) ҳисобварақ эгасининг Ўзбекистон Республикаси бошқа банкларида очилган ҳисобварақларига, шунингдек, банкда қабул қилинган шаклда (банк ўтказмаси, чек ва х.к.) хорижга ўтказилиши; қ

б) нақд чет эл валютасида (чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларида тўланган), шу жумладан, хорижга олиб чикиб кетиш учун. Бунда амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган сумма миқдорида чет эл валютасини олиб чиқиб кетишга рухсат берилади;

в) операция амалга оширилган санада амал қилган харид курси бўйича республика худудида сўмда тўланиши ёки ўтказилиши;

г) ваколатли банклар томонидан операциялар амалга оширилган учун воситачилик тўлови сифатида фойдаланилиши;

д) амалдаги қонунчилик ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мақсадларда ишлатилиши.

4.4. Ваколатли банкларнинг хорижий валютадаги ҳисобварақларини юритиш тартиби.

Ваколатли банкларнинг хорижий валютадаги ҳисобварақларини бошқа банкларда (корреспондент ҳисобрақамлар) очиш Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 18 ноябрда 539-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида”ги Йўриқнома билан тартибга солинади.

Ваколатли банкларнинг хорижий валютадаги ҳисобварақларини юритиш Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 22 октябрда 511-сон билан рўйхатга олинган “Ваколатли банкларда чет эл валютасидаги ҳисобварақларини юритиш

Тартиби” асосида амалга оширилади. Тартибга мувофиқ ваколатли банклар тўловларни валюта ҳисобварақларидаги мавжуд маблағлар қолдиғи доирасида амалга оширадилар. Ваколатли банклар чет эл валютасида амалга оширилаётган операцияларнинг амалдаги қонунчиликка мос келишини тасдиқловчи зарур ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиш хуқуқига эгадирлар. Ваколатли банклар амалга оширилаётган операциялари бўйича воситачилик хақи ва тарифлари банклараро ҳисобварақлари шартномасида белгиланади.

4.5. Хорижда ҳисобварақ очиш учун рухсатнома бериш тартиби.

Юридик шахслар томонидан чет элда ҳисобварақлар очиш:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартиби» тўғрисидаги. 1999 йил 22 январдаги 610 –сонли йўриқномасига кўра
- Резидент - юридик шахсларга, таъсис ҳужжатлари, битимлар, контракт ёки шартномаларга мувофиқ уларнинг фаолият кўрсатиш даври мобайнида чет элда ҳисобварақлар очишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси дипломатия ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳисобварақлар очишига ҳамда бу ҳисобварақлардан фойдаланишига уларнинг фақат хорижда бўлиши ва фаолият кўрсатиши даврида йўл қўйилади. Ушбу холатда ҳисобварақ талаб қилинмайди.Уларнинг чет элда фаолият кўрсатиши тугатилгандан сўнг, ҳисобварақлар ёпилиши лозим, ҳисобварақлардаги маблағларнинг қолдиқлари эса Ўзбекистон Республикасига ўтказилади.

Резидент – юридик шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банкларда ҳисобварақлар очишга рухсатномаларни олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қуйидагиларни тақдим этишлари лозим:

а) ҳисобварақларни очишдан кўзда тутилган мақсад;

б) ҳисобварақларнинг турлари ва улар бўйича амалга оширилиши мўлжалланаётган операциялар;

в) ҳисобварақларни очиш кўзда тутилган чет эл банк муассасалари;

г) республикамиз ваколатли банкларидаги ўз валюта ҳисобрақамларининг холати тўғрисидаги маълумотлар;

д) очилиши мўлжалланаётган ҳисобварақка маблағларнинг келиб тушиш манбалари;

е) ҳисобварақларнинг амал қилиш муддати.

ж) таъсис ҳужжатларининг нусхалари;

5- бўлим. Ваколатли банклар томонидан биржадан ташкари валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби.

Биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 10 июлдаги “Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 294-сонли Қарори билан тартибга солинади.

Банклараро валюта бозорида операцияларни ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банклари ва Марказий банк банклараро валюта бозори қатнашчилари ҳисобланадилар.

Ваколатли банкларнинг мижозлари банклараро валюта бозори битимларида фақат ўзлари мижози ҳисобланган ваколатли банклар орқали қатнашиш мумкин. Ушбу ҳолда ваколатли банк бозорда мижознинг топшириғига кўра ўз номидан иш кўради. Банклараро валюта битишувлари бир хафтада камида икки марта соат 11.00 дан 13.00 гача этиб белгиланади. Хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича операциялар биржадан ташқари валюта бозорида ваколатли банклар орқали барча юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Олдиндан бериладиган буюртманомаларга биноан хорижий валютани сотиб олиш ёки сотиш учун етарли бўлган сўмдаги ва хорижий валютадаги пул малағларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги махсус ҳисобрақамларига депонентга ўтказиш банклараро савдо

сессияларини ўтказиш бошланишидан бир соат олдин тугалланади. Биржадан ташқари валюта бозорида операциялар ўтказиш учун ваколатли банклар ўз мижозларига махсус валюта ҳисоб рақамлари очадилар, ушбу ҳисобрақамларига валюта бозорида сотиб олинган хорижий валюта ўтказилади. Ваколатли банкларда хорижий валютани сотиб олиш учун миллий валютада етарли хажмда хўжалик юритувчи субъектларнинг заҳира қилинган пул малағларининг мавжудлиги мажбурий шарт ҳисобланади.

Биржадан ташкари валюта бозоридаги операциялар охирги банклараро савдо сессиясида хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланадиган эркин курс бўйича амалга оширилади. Хорижий валютани харид қилиш учун ваколатли банклар мижозлардан импорт шарномаси бўйича конвертацияга буюртманомалар қабул қиладилар. Тақдим этилган ҳужжатлар ваколатли банклар экспертлари томонидан уч иш куни мобайнида кўриб чикилади. Ваколатли банк эксперт гуруҳиниг ижобий қарори қабул қилинган кундан кейинги кундан кечикмай хорижий валюта харид қилиш учун Марказий банкка буюртманома берилади.

6- бўлим. Ваколатли банкларнинг валюта позицияси.

6.1. Ваколатли банкларнинг валюта позицияси тушунчаси.

Валюта позицияси – бу валюта хатари кўрсаткичи бўлиб, у ваколатли банк томонидан чет эл валютасини олди-соди операциясини, шунингдек, бошқа операцияларни амалга ошириши натижасида чет эл валютасида ифодаланган талаблар ёки мажбуриятларнинг ўзгаришига олиб келадиган ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги активлари (талаблари) ёки мажбуриятлари ўртасидаги нисбатни ифодалайди.

Очиқ валюта позицияси – бу ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги талаблари унинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари суммасига мос (тенг) бўлмаган холатдаги валюта позициясидир

Узун валюта позицияси – ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги талаблари миқдорининг унинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари миқдоридан ортиқ бўлган холатдаги очиқ валюта позициясидир.

Қисқа валюта позицияси – ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги мажбуриятларининг миқдори унинг чет эл валютасидаги талабларидан ортиқ бўлган холатдаги очиқ валюта позициясидир.

6.2. Очиқ валюта позициясини ҳисоблаш тартиби.

Қуйидаги операциялар валюта позицияси ўзгаришига таъсир қилувчи операциялар жумласига киради:

- Маблағларни дархол ўтказиш орқали чет эл валютасини харид қилиш ва сотишга доир операциялар (битим тузилган санадан кейинги икки банк иш кунидан ортиқ бўлган муддатда) ўтказиб бериш йўли билан, шу жумладан нақд чет эл валютаси билан амалга ошириладиган операциялар;
- Даромадларни чет эл валютасида ҳисоблаш ва олиш;
- Харажатларни чет эл валютасида ҳисоблаш ва тулаш;
- Ушбу битимлар бўйича ҳисоб китобларни амалга ошириш усули ва шаклидан катъи назар хорижий валютадаги талаблар ва мажбуриятлар вужудга келадиган, чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган хосила молиявий воситаларга доир операциялар (валюта деривативлари; форвард, фьючерс, опцион ва своп битимлари);
- Чет эл валютасида амалга ошириладиган бошқа операциялар (чет эл валютасида харид қилинган активлар, ўз акцияларини чет эл валютасига сотиш ва валюта кимматликлари билан боғлиқ бошқа битимлар, агар ушбу битимлар шартларига мувофиқ у ёки бу шаклда чет эл валютасининг айирбошлашланиши (конверсияси) кўзда тутилган бўлса)

Очик валюта позициясини ҳисоблаш учун ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари суммаси унинг чет эл валютадаги талаблари суммаси билан таққосланади. Бунда, қисқа валюта позицияси “ - “ белгиси билан, узун валюта позицияси “ + ” белгиси билан белгиланади.

Очиқ валюта позицияларнинг амалдаги йиғма (жами) миқдори барча узун ва киска очик валюта позицияларнинг суммаси ҳисобланаётганда аниқланади.

Валюта позициясини ҳисоблаш учун ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги талаблари ва мажбуриятлари “Валюталар олди-сотдиси ва валюта позициялари” ҳамда “Кўзда тутилмаган холатлар” баланс ҳисобрақамлари бўйича аниқланади. Ушбу ҳисобрақамларда тузилган олди-сотди битимлари бўйича ҳамда валюта қимматликлари билан ўтказилган бошқа операциялар, шу жумладан, битимлар шартларига кўра чет эл валюталарини у ёки бу шаклда айирбошланиши (конверсияси) кўзда тутилган операциялар бўйича суммалар ҳисоби юритилади.

Валюта позицияси чет эл валютасини сотиб олиш ва сотишга доир битим имзоланган кун санасида, шунингдек, чет эл валютасидаги фоиз даромадларининг (харажатларини) ҳисоблаб езиш ва ҳисобварақга бошқа даромадлар (харажатлар) киритилган (ҳисобдан чиқарилган) санада вужудга келади. Кўрсатилган саналар, шунингдек, ҳисоботда очиқ валюта позициялари микдорининг тегишли ўзгаришлари акс эттирилган санани хам кўрсатади.

6.3. Очиқ валюта позицияларининг лимитлари

Ваколатли банкларнинг миллий валюта курсининг чет эл валюталарига нисбатан ўзгариши эхтимоли билан боғлиқ бўлган валюта хатарини чеклаш максадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатли банклар учун очиқ валюта позицияларининг қуйидаги лимитларини белгилайди.

- Чет эл валютасининг ҳар бир тури бўйича очиқ валюта позицияси;
- Очиқ валюта позицияларининг жами миқдори.

Чет эл валютасининг хар бир тури бўйича очиқ валюта позицияси хар бир операцион кун якунида ваколатли банкнинг регулятив капитали миқдорининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги шарт.

Банкнинг регулиятив капитали – бу банк фаолиятини тартибга солиш ва тижорат банклари капитали адекватлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳолда (2000 йил 25 июлда 949-сон билан давлат рўйхатига

олинган.) иқтисодий меъёрлар ҳисобини амалга ошириш мақсадларида ҳисоблаш орқали аниқланадиган банк капиталидир.

Очиқ валюта позицияларининг жами миқдори хар бир операцион кун якунида ваколатли банкнинг регулятив капитали миқдорининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги шарт

Очик валюта позициялари белгиланган лимитларидан ошиб кетган ҳолда уни банк томонидан кейинги операцион кунга ўтказилиши мумкин эмас. Очиқ валюта позициялари белгиланган лимитларидан ошиб кетган тақдирда, банк очиқ валюта позицияларини белгиланган лимитлари меъёригача қисқартириш мақсадида жорий кун якунигача тегишли мувозанатлантирувчи битимларни амалга ошириши лозим (масалан, чет эл валютасини сотиш).

6.4. Очиқ валюта позициясини ҳисоблаш намунаси.

1. Банкнинг ўз малағлари (млн. сўмда) : 10000

2. Хорижий мамлакатларнинг валюталари бўйича позиция (номинал бўйича минг)

	Олди сотдига оид операциялар		Муддатли операциялар		Суммар позиция	
	узун	Қисқа	Узун	қисқа	узун	қисқа
АҚШ доллари	500			-875		-375
ЕВРО	500			-200	300	

«-» белгиси билан қисқа позиция белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курслар (2006 йил 17 октябрдан ўрнатилгани):

1 АҚШ доллари - 1231,69 сўм

1 ЕВРО - 1539,49 сўм

4. Хорижий мамлакатлар валютаси бўйича позициялар (млн.сўмда)

	Олди сотдига оид операциялар		Муддатли операциялар		Суммар позиция	
	узун	қисқа	узун	қисқа	узун	қисқа

АҚШ доллари	615,8			-1077,3		-461,5
ЕВРО	769,7			-307,9	461,5	
Сўм					92,3	
Жами	1385,5			-1293,2		

Сўмдаги позиция

Суммар нетто позиция	1385,5			1293,2		
				Суммар валюта позицияси	461,5	-461,5

5. Суммар валюта позицияси (жами узун / қисқа позициялар суммаси) 461,5 га тенгдир.

6. Очиқ валюта позициясининг суммар лимити қуйидагича ҳисобланади:

лимит = 461,5 / 10000*100 = 4,61

7- бўлим. Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоблари.

7.1. Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари

Халқаро ҳисоб-китобнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- ҳужжатли аккредитив
- инкассо
- банк ўтказмаси
- очиқ ҳисобварақ
- бўнак
- вексел
- чек

7.2.Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли.

Халқаро савдони амалга оширишда ҳисоб-китобларининг аккредитив шакли кенг қўлланилиб келинади. Бундай ҳисоб-китоблар Халкаро савдо палатасининг (Париж) 1993 йил янги таҳрирдаги №500- “Ҳужжатли аккредитивлар учун унификациялашган қоидалари” асосида амалга оширилади

(1994 йил 1 январидан кучга кирган). Шу қоидаларга мувофиқ ҳужжатли аккредитив бу - банк мижознинг топшириғига мувофиқ учинчи шахсга (аккредитив очилган шахс – бенефициарга) тақдим этилган ҳужжатларни тўлаш ёки бенефициар томонидан берилган траттани акцептлаш (тўлаш) ёки ҳужжатларни негоциациялаш (сотиб олиш) тўғрисидаги келишувдир. Банк бу ҳисоблашувда мустақил томон бўлиб, у тижорат битими юзасидан томонларнинг хуқуқий муносабатларига аралашмайди.

Ҳужжатли аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда:

▲ банкка аккредитив очиш тўғрисида мурожаат қилган импорт қилувчи (буйруқ берувчи);

▲ аккредитив очувчи банк – эмитент;

▲ экспорт қилувчига унинг номига аккредитив очилганини огоҳлантирувчи унга аккредитив матнини етказиб берувчи (авизоловчи) банк;

▲ номига аккредитив очилган экспорт қилувчи – бенефициар;

Ҳужжатли аккредитив бўйича ҳисоб-китоб чизмаси:



1. Аккредитив очиш бўйича ариза бериш
2. Аккредетив очиш ва ариза берувчи банк орқали бенефициарга аккредетив матнини жўнатиш.
3. Бенефициарга аккредитив очиш тўғрисида хабар бериш
4. Товарни экспортга жўнатиш
5. Бенефициар томонидан тўлов учун ҳужжатлар тўплашни расмийлаштириш ва банкка жўнатиш

6. Авизо қилувчи банк томонидан ҳужжатларни банк эмитентга жўнатиш.

7. Банк эмитент томонидан олинган ҳужжатларни текшириш ва тўлаш.

8. Банк эмитент томонидан тўланган ҳужжатларни импорт қилувчига етказиб бериш.

9. Авизо қилувчи банк томонидан экспорт тушумини бенефициарлар ҳисобига ўтказиш.

Ушбу схемадаги операциялар кетма – кетлиги ва ўтказиш муддати томонлар ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ келиши лозим.

Халқаро ҳисоб-китоб амалиётида аккредитивларнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар қуйидаги белгиларига кўра тавсифланадилар:

Банк томонидан аккредитив шартларини ўзгартириш бўйича:

▲ чақириб олинадиган;

▲ чақириб олинмайдиган аккредитивларга бўлинади.

1. Чақириб олинадиган аккредитивда, импорт қилувчи бенефициарни олдиндан огоҳлантирмасдан аккредетив шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиши мумкин

2. Чақириб олинмайдиганида эса томонлар розилигисиз аккредитив шартлари ўзгартирилмайди.

Бошқа банкнинг аккредетив бўйича қўшимча мажбуриятларни олишига қараб:

- тасдиқланган
- тасдиқланмаган аккредитив.

1. Агар банк – эмитент бошқа банкни чақириб олмайдиган аккредитивни тасдиқлашга вакил қилса ёки илтимос килса, у ҳолда бундай тасдиқлаш тасдиқловчи банк учун бош эмитентнинг тўлов, акцепт ёки негоциялаши қўшимча мажбуриятни англатади.

Аккредетивнинг такрорланиш хусусиятига караб:

- такрорланадиган ;
- револьверли турлари мавжуд.

Одатда, ҳужжатли аккредетив бўйича битимлар йирик суммага тузилиб, товар ва унинг ҳужжатлари қисман етказиб берилади. Масалан, 10 млн. АҚШ долларига тузилган шартнома бўйича товарлар тўрт марта ҳар хил суммада жўнатиш мумкин. Товар ҳужжатлари хам шу суммага мос равишда расмийлаштирилган бўлади. Агар бор ҳужжатларнинг хар бир тўпламидан сўнг шартнома суммаси тикланса – такрорланувчи, бир қанча ҳужжатлар тўпламидан кейин тикланса у ҳолда револьверли аккредитив дейилади. Бу турдаги аккредитивлардан муомала харажатларини камайтириш туфайли борган сари кенг қўлланилмокда.

Валюта таъминотига кўра:

- қопланган
- қопланмаган аккредитивлар қўлланилади.

1. Қопланган аккредитивда эмитент банк аккредитивда кўрсатилган суммани аккредитив очилиши билан авизо қилувчи банка ўтказади.
2. Қопланмаган аккредетивда пул олдиндан ўтказилмайди.

Аккредетивни амалга ошириш имкониятига кўра:

- ҳужжатлар берилиши билан тўланадиган;
- акцептли аккредитив;
- тўлови кечиктирилган аккредитив;
- ҳужжатларни негоциоциялаш асосидаги аккредитивлар.

Аккредитив асосида ҳисоблашувлар халқаро савдодаги энг мураккаб ва қиммат турадиган шакл ҳисобланади. Аккредитив операцияларни ўтказиш учун банк бошқа ҳисоб-китобларга нисбатан комиссия хақини юқорироқ қўяди. Баъзида импорт қилувчи аккредитив очиш учун банк кредитидан фойдаланиб, бунинг учун фоиз тўлайди. Импорт қилувчи учун ушбу ҳисоб-китоб шаклининг яна бир салбий томони шундан иборатки, у товарларни қабул қилиб олиш ва сотишидан олдин шу товарлар суммасига аккредитив очиб, ўз малағларини банд этиб қўяди.

Экспорт қилувчи учун аккредитив усулда ҳисоб-китоб ўтказиш бир мунча қулай ҳисобланади, жумладан чақириб олинмайдиган аккредетивнинг ижобий томонлари қўйидагиларда пайдо бўлади;

Ҳисоб-китобнинг ишончлилиги ва товарлар учун тўловнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминланиши, чунки банк бу мажбуриятни ўзига олади.

7.3. Банк ўтказмалари.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг яна бир шакли бу банк ўтказмаси ҳисобланади. Бу ҳисоблашувнинг мазмуни шундан иборатки, тўловчи банк бошқа банкка ўтказма олувчи шахсга белгиланган суммани тўлаш бўйича топшириқ беради. Халқаро ҳисоб-китобларда кўпинча банклар пул ўтказмаларини ўз мижозларининг топшириқларига мувофиқ амалга оширадилар. Бу операцияларда қуйидагилар иштирок этадилар:

- пул ўтказувчи (импортчи)
- пул ўтказувчининг банки (импортчининг банки)
- пул ўтказмасини олувчи банк (экспортчининг банки – бенефициар)
- пул ўтказмасини олувчи (экспортчи)

Банк ўтказмаси асосида: инкассо охирги ҳисоб-китоб бўйича тўлов, аванс тўловлари ўтказилади. Банк ўтказмалари почта ва телеграф тўлов топшириқлари асосида, кейинги йилларда СВИФТ тизими бўйича, почта ёки телеграф орқали ўтказилади. Банк орқали пул ўтказма олдиндан бўнак ёки товар етказиб берилгандан кейинги тўлов қўлланишига қараб ўзгаради.

Экспортчи ва импортчи ўртасида шартнома имзолангандан сўнг (1) импортчи банкга ўтказма тўғрисида ариза беради (2). Шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда товар етказиб берилгандан кейин (3), импортчининг банки импортчидан тўлов топшириқномасини қабул қилиб уни экспортчининг банкига жўнатади (4). Экспортчининг банки тўлов топшириқномасини қабул қилгач (5) ҳужжатнинг қонунийлигини текшириб кўриб, экспортчининг ҳисобрақамига маблағ ёзиш операциясини амалга оширади.

7.4. Халқаро ҳисоб - китобларнинг бўнак шаклидаги ҳисоб-китоблар

Ҳисоб-китобларнинг бу тури экспорт қилувчи учун қулай ҳисобланади, чунки товарлар учун тўлов уни етказиб берилишидан аввал, баъзида эса уни ишлаб чиқаришдан илгари амалга оширилади. Агар импорт қилувчи товарни бўнак асосида тўласа, у ҳолда экспорт қилувчининг айланма капитали кўпаяди.

Халқаро тартибда бўнак шаклида тўловлар битим суммасининг 10-33% ини ташкил этади.

7.5. Очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоб-китоблар

Очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилганда импорт қилувчи олинган товар учун тўловни вақти-вақти билан тўлаб боради. Унинг жорий қарзлари суммаси савдода иштирок этаётган томонларнинг китобларида қайд этиб борилади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг бу шакли очиқ ҳисобрақам бўйича кредитлаш билан боғлиқ. Ушбу ҳисоб-китоб шаклидан қуйидагилар кўпроқ фойдаланадилар:

- Доимий алоқада бўлган фирмалар,
- ТМК ва уларнинг фирмалари,
- Экспорт қилувчилар ва брокерлик фирмалари,
- Экспорт қилувчи иштирок этган аралаш фирмалар,
- Консигнация асосида товар етказиб берувчилар фирмалар.

7.6. Ҳужжатли инкассо

Инкассо бу экспортчининг ўз банкига импортчидан маблағни (тўғридан-тўғри ёки бошқа банк орқали) олиш ёки белгиланган муддатда ушбу маблағ тўланишининг тасдиқномасини (акцепт) олиш тўғрисидаги топшириғидир.

Инкассо операциясида ишлатиладиган ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда унинг қуйидаги турлари мавжуд:

Соф инкассо, бунда оперциялар тўловни олиш учун ишлатиладиган молиявий ҳужжатлар (чеклар, векселлар,тўлов мажбуриятлари ва бошқалар) асосида амалга оширилади.

Ҳужжатли инкассо, бунда тижорат ҳужжатларининг (молиявий ҳужжатлар илова қилинган ёки қилинмаган ҳолда) инкассосидир.

Асосий тижорат ҳужжати бўлиб, тижорат ҳисобварағи ёки ҳисобварақ – фактура ҳисобланади. Тижорат ҳисобварағи ёзиш учун асос бўлиб, транспорт ҳужжати (денгиз ёки дарё коносаменти, темир йўл, авиа, авто накладнойлар ва хк) ҳисобланади, Шунингдек суғурта полислари, турли сертификатлар, спецификация, гувоҳномаларни ҳам шу ҳужжатлар жумласига киритиш мумкин.

Ҳужжатли инкассо шаклида ҳужжатлар айланиши ва тўлови қуйидаги тартибда олиб борилади:

1. Экспорт қилувчи товар сотиш юзасидан импорт қилувчи билан ҳужжатли инкассо ҳисоб-китоб шаклида ҳисоблашиш ҳамда ҳисоб – китобларда иштирок этувчи банклар назарда тутилган битим тузади (1). Битимдаги шартлар асосида экспортчи товарни юклаб жўнатади (2), транспорт ташкилотидан траспорт ҳужжатларини олган экспортчи (3) уларни ўз банкига (ремитентга) топширади (4) ва ремитент банк инкассо қилувчи банкга тўловларни жўнатади (5).Инкассо қилувчи банк олинган ҳужжатларни тўловни ёки акцептни олиш учун тўловчига юборади (6). Импортчидан тўловни олингач (7) ремитент банкга маблағ кўчирилади (8)

Импорт қилувчи учун ушбу ҳисоб-китоб шаклининг бир қанча қулайликлари мавжуд. Биринчидан, импорт қилувчи товарларга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни қабул қилиб олгандан сўнг тўловни амалга оширади. Иккинчидан, эса тўловчи учун олдиндан ўз малағларини банкка жалб этишга хожат колмайди.

7.7. Ҳисоб-китобларнинг вексел шакли.

Вексел асосида ҳисоблашувларда тратта деб аталувчи ўтказма векселдан кенг фойдаланилади. Тратта – қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган ҳужжат бўлиб, унда кредиторнинг (трассент) қарз олувчига векселда кўрсатилаган муддатда белгиланган суммани учинчи шахсга (ремитент) ёки векселни тақдим

этувчига хеч қандай шартларсиз тўлаш тўғрисида кўрсатма берилган бўлади. Вексел ёрдамида ҳисоб-китоб ўтказишда экспорт қилувчи ўз банкига инкассо қилиш учун тратта ва товар ҳужжатларини беради. Банк эса шулар асосида импорт қилувчидан тегишли валюта суммасини олади.

Импорт қилувчи тўловни амалга оширгандан сўнг ёки траттани акцептлагандан кейингина товар ҳужжатларига эга бўлади.

7.8. Чеклар билан ҳисоб-китоблар.

Чек асосида ҳисоб-китоб X1X асрнинг охирларидан бошлаб амалга кирган. Агар тўлов чек асосида ўтказилса, қарздор (сотиб олувчи) чек ёзиб беради ёки уни банкка топширади. Савдо харакатларида бўлган халқаро келишувларда йўл чеки ва еврочеклар хам алмашилади. Йўл чеки одатта туристлар ва сайёхлар учун йирик банклар томонидан миллий ва хорижий валюта ҳисобида берилади. Еврочеклар евровалютада берилиб, мижоз томонидан банкка нақд пул топширилишидан қатъий назар бир ойгача муддатга кредит ҳисобидан берилади.

8- бўлим. Халқаро ҳисоблашувларнинг алоҳида хусусиятлари.

Халқаро ҳисоблашувларнинг алоҳида хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир:

- Импорт экспорт қилувчилар, уларнинг банклари ташқи савдо битими билан боғлиқ муносабатларни ўрнатадилар. Бу муносабатлар асосида товарнинг ва тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш, узатиш, қайта ишлаш, ҳамда тўловни амалга ошириш ётади.
- Халқаро ҳисоб-китоб миллий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, бундан ташқари халқаро банк тартиб қоидалари билан тартибга солинади.
- Халқаро ҳисоб-китоблар – унификациялаш объекти бўлиб, бунга хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, банк операцияларининг универсаллашуви жиддий таъсир кўрсатади.

- Халқаро ҳисоб-китоблар қоидага кўра ҳужжатли хусусиятга эга, яъни улар молия ва тижорат ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Молиявий ҳужжатларга оддий ва ўтказма вексел, чеклар, тўлов тилхатлари киради.

Тижорат ҳужжатлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) ҳисобварақ фактура;

б) товарни юкланганлиги ёки жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (коносаментлар, темир йул, автомобил ва хаво транспорти юк хати, почта квитанцияси, аралаш ташишнинг транспорт ҳужжатлари);

в) суғурта ҳужжатлари;

г) бошқа ҳужжатлар – товарни ишлаб чиқарилишини тасдиқловчи сертификатлар, сифат сертификатлари, чегарадан ўтганлик ҳужжатлари, божхона ҳужжатлари ва бошқалар.

Халкаро ҳисоб-китоблар турли валюталарда ўтказилади. Шунинг учун улар валюта операцияларига чамбарчас боғлиқ.

Мазкур ҳисоблашувларда кафолатлашнинг умумий қоидаларига риоя этилади. Унга мувофиқ кафолат матнида қуйидагилар бўлиши лозим:

- кафолат берувчига хақ тўланмаган бўлса, кафолат суммаси ундирилмайди;
- битимнинг тавсифи;
- претензия (эътироз) қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар;
- кафолат муддати тугайдиган сана ва кафолат берган банкка бенифециар томонидан ҳужжатларни тақдим этиш санаси;

Кафолат муддати тугагандан сўнг қайтарилиши лозим.

Халқаро ҳисоб-китоб шаклларига таъсир этувчи омиллар:

- ташқи савдо объекти ҳисобланган товар тури
- кредит келишувининг мавжудлиги
- ташқи иқтисодий алоқалар бўйича контрагентларнинг тўлов қобилияти ва обрў-эътибори, дунё бозорида мазкур товарга бўлган талаб ва таклиф.

9- бўлим. Ваколатли банкларда экспорт, бартер шартномаларини рўйхатга олиш ва уларни назорат қилиш тартиби.

Ваколатли банкларда экспорт, бартер шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 09.08.2000 й. 954-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 30.06.2000 й. 393-сон билан тасдиқланган, “Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ҳамда улар ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом” асосида, рўйхатга олинади.

Экспорт ва бартер контрактини ваколатли банк муассасасида ҳисобга қўйиш максадида экспортчи томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Юқорида кўрсатилган Низомга доир иловага биноан шаклда ариза;
2. Контрактнинг асл нусхаси;
3. Контрактнинг кўчирма нусхаси;
4. Махсус товарлар экспортига доир контрактлар бўйича - Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги лицензиясининг кўчирма нусхаси;
5. Бартер контрактларини ҳисобга қўйиш чоғида - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хокимликлари қарорининг кўчирма нусхаси, мева-сабзавот махсулотлари ва уларни кайта ишлаш махсулотларини олиб чиқишга доир Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси аъзолари ёки уларнинг тайёрлаш кооперативлари томонидан тузилган бартер контрактлари бўйича эса - туман ва шахар хокимликлари рухсатининг кўчирма нусхалари ва уюшмага аъзолик гувоҳномалари;
6. Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси аъзоси бўлмаган юридик шахслар томонидан янги мева-сабзавот махсулотини олиб чиқишга доир экспорт контрактларини ҳисобга қўйишда эса - банк органлари ёки импортчи минтақалар маъмурияти томонидан етказиб берилаётган махсулот учун ўз вақтида пул ёки моддий-техника ресурсларининг келиб тушиши тасдиқланган харидорнинг кафолатли мажбурияти, шунингдек, туман ёки шахар хокимлиги қарори;

7. Хукуматлараро келишувлар доирасида олиб чиқиладиган товарлар экспортига доир контрактлар ҳисобга қўйилиши чоғида экспортчилар томонидан кўрсатилган келишувларнинг кўчирма нусхалари ва бошқа зарур ҳужжатлар хам тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан (экспертизадан) ўтказиладиган экспорт ва бартер контрактлари, ушбу контрактлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан (экспертизадан) ўтказилганидан кейин, ваколатли банкларда ҳисобга қўйилиши керак.

Республика товар-хом ашё биржаларида хорижий валютада тузилган экспорт контрактлари, улар республика товар-хом ашё биржаларида рўйхатга олиниб, божхона органларида ҳисобга қўйилганидан кейин, ваколатли банкларда ҳисобга олиниши керак.

Экспорт ва бартер контрактларини ваколатли банкларда ҳисобга қўйиш икки иш куни мобайнида, Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси аъзолари томонидан имзоланган бартер контрактларини ҳисобга қўйиш эса бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

Ҳисобга қабул қилинган экспорт ва бартер контрактлари (уларга доир қўшимча келишувлар) махсус журналларда рўйхатга олинади, улар рақамланиши, ип билан тикиб қўйилиши ва банк муассасасининг муҳри билан тасдиқланиши керак.

Экспорт контрактларини ҳисобдан чиқариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

▲ шериклар томонидан экспорт ва бартер контрактлари бўйича мажбуриятлар тўлиқ хажмда бажарилганида,

▲ белгиланган тартибда экспорт контрактлари бўйича мажбурий сотиш амалга оширилганида

▲ тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек мажбуриятларни бажариш муносабати билан контрактни ҳисобдан чиқариш тўғрисида экспортчининг мурожаати асосида;

▲ агар ушбу муддатда улар бўйича хеч кандай операциялар амалга оширилмаган бўлса, контрактлар ҳисобга қўйилган санадан бошлаб бир йил ўтиши билан;

▲ контрактлар бўйича ишлар бошқа банк муассасаларига топширилганда - ишни қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида;

▲ хўжалик судларининг контрактлар бўйича қарзини тўлик ҳисобдан чикариш тўғрисидаги қарорлари бўйича;

10- бўлим. Ваколатли банкларда импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тартиби.

10.1. Умумий қоидалар.

Ваколатли банкларда импорт шартномалари Ўзбекистон Республикаси ВМ 13.01.1996 й. 95-сон Қарорига 1-илова қилинган «Импорт операциялар бўйича контрактларни ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тўғрисида Низом» га асосан рўйхатга олинади ва назорати олиб борилади:

Импорт контрактини ваколатли банк муассасасида ҳисобга қўйиш мақсадида импортчи томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- Ариза (белгиланган шаклда,);
- Контрактнинг асл нусхаси;
- Контрактнинг кўчирма нусхаси;
- Импорт битими паспорти 3 (уч) нусхада;
- Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлигидан рўйхатдан ўтганлиги хақида ГУВОХНОМА (ТИАВдан рўйхатдан ўтиши лозим бўлган импорт контрактларга тааллуқли)
- “Ўзстандарт” Агентлигида аккредитациядан ўтган консалтинг компаниялар томонидан берилган, шартнома шартлари бўйича товарлар сифати, миқдори, ва бахо даражалари юзасидан ўтказилган инспекция экспертизалари ва далолатномалари. (киймати 10 000 АҚШ долларидан ортиқ бўлган ва юк жўнатишдан олдин мажбурий равишда назоратдан ўтказилиши

кўзда тутилган ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдолар Вазирлиги экспертизасидан ўтмаган импорт товарлар учун таалуқли. Мазкур товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 2 февралдаги 66-сонли “Ташқи иктисодий фаолиятни тартибга солишни такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисидаги” қарори 3-иловасида кўрсатилган)

- Ўзбекистон Республикаси худудида норезидентлар томонидан хизматлар кўрсатилиши кўзда тутилган, шунингдек консигнация шартларидаги товарлар импортига мўлжалланган импорт шартномаларнинг тўлов шартларида консигнант даромади чет элга ўтказилиши белгиланган импорт контрактларини рўйхатга олишда, хорижий юридик шахсларни доимий муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси солиқ идораларида рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувохнома нусхаси;
- Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан ёки унинг кафолати остида тузилган хукуматлараро ва кредит келишувлари доирасидаги товарлар импорти бўлган ҳолларда, мижозлар томонидан мазкур келишувларнинг кўчирма нусхалари ёки бошқа тааллуқли ҳужжатлар тақдим этилади.

Келган товар учун банк томонидан хорижий валютадаги маблағларни ўтказиш учун импорт қилувчи корхона томонидан хар бир ўтказиш олдидан товар келганлиги тўғрисида божхона хизматининг банкка топшириладиган тегишли ёзувлари мавжуд бўлган товарлар олиб келиниши карточкаси асос бўлиб ҳисобланади. Бунда импорт контрактлар бўйича аванс тўловлари импорт контрактлар импорт қилувчи корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги Давлат божхона кўмитаси худудий бошқармаларининг валютани назорат қилиш бўлимларида ҳисобга қўйилгандан кейин ваколатли банкка товарлар олиб келиниши карточкаси тақдим этилмасдан амалга оширилади.

Банк импорт қилувчи корхонадан олинган тўлов ҳужжатларининг контракт шартларига мувофиқлигини текшириб, зарурият бўлганда белгиланган тартибга мувофиқ валюта биржасида хорижий валютани харид қилишга буюртманома

беради ва контракт кийматидан ортиқча бўлмаган суммадаги маблағларни ўтказади.

Айни пайтда банк карточкалар асосида Паспортнинг ўзида мавжуд бўлган нусхасига контракт бўйича товарнинг олинганлиги тўғрисидаги ахборотни киритади.

Банк томонидан ҳисобга олинган импорт контрактлари:

- импорт килинаётган товар тўлиқ хажмда олингач, ёки
- Давлат солик Қўмитасининг хулосасига кўра, ёки
- бир йил тугагандан кейин, агар ушбу муддатда хақи тўланмаса ва товар олиб келинмаса, ҳисобдан чикарилади.

Ҳисобдан чиқарилган импорт контрактларининг паспорти божхона хизматларида ва ваколатли банк муассасаларида 3 йил мобайнида сақланади.

10.2. Ваколатли банкларда импорт келишуви паспортини расмийлаштириш тартиби.

Импорт қилувчи корхона томонидан тузилган хар бир контракт бўйича Паспорт расмийлаштирилади. Паспортга ҳисобварақдаги пул малағларини тасарруф этувчи корхона рахбари имзо чекади ва у уч нусхада бўлади (биринчи нусхаси импорт қилувчи корхонада қолади, иккинчи нусхаси божхона ҳужжатлари йиғмажилдида сақланади, учинчи нусхаси банкда туради).

Импорт қилувчи томонидан тасдиқланган импорт контракти нусхаси ва Паспорт банкка ва божхона хизматларига топширилади. Импорт қилувчи корхона Паспортда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва уларнинг контракт шартларига мувофиқлиги учун жавоб беради. Банк Паспортнинг унга топширилган нусхаларини, импорт контрактини кўриб чиқади, Паспортдаги маълумотларнинг контракт шартларига мувофиқлигини, Паспортдаги имзоларнинг имзолар намуналари карточкасидаги намуналарга мувофиқлигини текширади, сўнгра 2 кундан кўп бўлмаган муддатда Паспортнинг импорт қилувчи корхона томонидан тайёрланган нусхаларига имзо чекади ва мухр (штамп) билан тасдиқлайди. Паспортнинг биринчи икки нусхаси импорт

қилувчи корхонага қайтарилади. Паспорт нотўғри расмийлаштирилганда у рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда қайтариб берилади

Томонлар контракт шартларига илгари Паспортни тузишда фойдаланилган маълумотларга дахл қилувчи ўзгартиришлар киритган тақдирда, импорт қилувчи кўрсатиб ўтилган ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб ўн кун муддатда, бироқ импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш учун тақдим қилишдан кечиктирмай, банкка контрактга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан биргаликда Паспортни тақдим этади, контрактни расмийлаштириш мазкур бўлимда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Паспорт имзолангандан кейин банк контракт бўйича хорижий валютадаги тўловларнинг, шунингдек белгиланган тартибга мувофиқ Республика валюта биржасида импорт қилувчи корхоналар номидан хорижий валюта сотиб олишга буюртманома берилишининг асосланганлигини назорат қилиш функциялари бажарилиши учун жавоб беради.

11- бўлим. Ваколатли банклар томонидан “Ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги маълумотномани расмийлаштириш тартиби.

“Ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги маълумотномалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 14.05.2002 й. 1137-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 22.04.2002 й. 215-сон ва Ўзбекистон Республикаси ДСҚ 02/19-10-сон Карори иловасидаги “Ҳисоб-китоблар маълумотномаси расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом” га асосан расмийлаштирилади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1996 йил 24 январдаги ПФ-1363-сонли ва “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 31 январдаги ПФ-3022-сонли Фармонларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб,

экспорт килинаётган товарларни божхонада расмийлаштиришда ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартибини белгилайди.

Ҳисоб-китоблар маълумотномасини бланклари экспорт қилувчи корхонага хизмат кўрсатаётган ваколатли банк томонидан босмахона усулида, ўзининг индексини кўрсатган ҳолда тайёрланади. Берилган маълумотнома ваколатли банкнинг масъул шахси томонидан имзоланади ва банк муҳри билан тасдиқланади. Ҳисоб-китоблар маълумотномаси қатъий ҳисобда турадиган бланк бўлиб, унда ҳисоб юритиш серияси, раками ва ҳимоя даражаси бўлиши шарт. муҳри

Мазкур маълумотнома харидорларга хизмат кўрсатувчи банк кафолатли ёки экспорт шартномаларини сиёсий ва тижорат хатарларидан суғурталаш полиси мавжуд бўлганда ёки олдиндан хақ олинганда ёхуд жўнатилаётган махсулот суммасига аккредитив очилганда, шартномани ҳисобга олиш учун қабул қилган банк муассасаси томонидан икки нусхада тўлдирилади. Бир нусхаси мижозга берилади, иккинчиси эса банкда колади. Корхоналар божхона органларига ҳисоб-китоблар маълумотномасининг асл нусхасини тақдим этадилар.

Комиссия экспорт шартномалари (консигнация контрактлар) бўйича валюта тушумининг келиб тушишига кўра, ҳисоб-китоблар маълумотномаси “вақтинча олиб чиқиш” режимидан “экспорт” режимига кайта расмийлаштириш учун божхона органига тақдим этилади.

Экспорт килинадиган товарларнинг божхона расмийлаштирилишига фақат тўлдирилган ҳисоб-китоблар маълумотномаси мавжуд бўлган ҳолдагина йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси худудидан ташкарида жойлашган омборлардан ФОБ, EX Wareноусе шартларида марказлаштирилган ҳолда юклаб жўнатиш, миллий валюта - сўмда тўлов амалга ошириш шарти билан биржа ва ярмарка савдоларида тузилган контрактлар бўйича, шунингдек, хизматлар ва пудрат усули билан бажариладиган ишлар экспорти шартномалари бўйича юклаб жўнатиш бундан мустасно.

Бунда, ташқарига чикарилаётган товарлар суммаси олинган кафолатлар ёки экспорт шартномаларни сиёсий ва тижорат хатарларидан суғурталаш полиси,

олдиндан тўланган хақ ёки маълумотномада кўрсатилган аккредитив суммасидан ошмаслиги шарт.

Бартер контрактлар бўйича сотилиши учун махсус рухсатнома мавжуд бўлган товарлар шартноманинг умумий суммасига кафолат ёки экспорт шартномаларни сиёсий ва тижорат хатарларидан суғурталаш полиси мавжуд бўлганда ташқарига чиқарилади, бу хақда ҳисоб-китоблар маълумотномасида қайд этилади.

Бартер шартномалари бўйича импорт товарлар Ўзбекистон Республикасига амалда кириб келган бўлса, божхона идоралари товарларни ҳисоб-китоблар маълумотномасисиз ташқарига чиқаради.

Ваколатли банклар хорижий вакил банклар кафолатларини қабул қиладилар.

Агар кафолатнома вакиллик муносабатлари ўрнатилмаган банк томонидан берилган бўлса, ваколатли банклар бевосита вакиллик муносабатлари ўрнатилган хорижий банклардан кафолат тасдиқ хатини олишлари лозим.

Ваколатли банкларнинг рахбарлари ҳисоб-китоблар маълумотномасини тўғри расмийлаштирилиши, шунингдек, объектив сабаблар бўлмай туриб, унинг ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги учун жавобгардирлар.

12- бўлим. Экспорт бўйича валюта тушумининг мажбурий сотувини амалга ошириш тартиби.

Экспорт бўйича валюта тушумининг мажбурий сотуви, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 29.06.2000 й. 245-сон Карорига 1-иловасидаги “Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш Тартиби” га асосан амалга оширилади.

Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар хорижий валютадаги тушумни мажбурий тартибда сотадилар. Корхоналар мажбурий сотишни товарлар ва хизматлар экспортидан олинган хорижий валютадаги тушумдан амалга оширадилар. Бунда хорижий валютадаги тушум деганда экспорт қилинган товарлар ва хизматлар учун корхоналарнинг

ваколатли банклардаги ҳисоб рақамларига ва кассаларига амалда тушган хорижий валютадаги пул малағлари тушунилади:

Хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан:

а) халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилаётган, устав фондида хорижий сармоя улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга озод қилинади. Мазкур корхоналар, агар ушбу товарларни ўзининг ишлаб чиқариши улуши хўжалик фаолиятидан олинган тушум умумий миқдорининг 60 фоизидан ортиқни ташкил этса, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган корхоналар деб ҳисобланади;

б) хайрия максадларига ҳадя сифатида тушувчи хорижий валютадаги маблағлар, грантлар, улардан мақсадли фойдаланилган тақдирда, устав сармояга улушлар, шунингдек корхоналарнинг чет элдаги хорижий юридик ва жисмоний шахсларга сотилган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига хақ тўлаш учун тушган маблағлар озод қилинади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон карорига мувофиқ кейинчалик тўлиқ миқдорда Марказий банкка мажбурий сотилган ҳолда Давлат мулки қўмитасининг махсус валюта ҳисоб рақамига ўтказилиши керак бўлган хорижий инвесторлардан корхоналар ёки акциялар пакетлари қиймати учун хақ тўлашдан тушган эркин алмаштириладиган валютадаги маблағлар бундан мустасно);

в) хорижий валютадаги кредитлар;

г) валюта бозорида сотиб олинган хорижий валютадаги маблағлар;

д) бажарилмаган импорт контрактлар бўйича қайтариладиган аванс тўловлари озод килинади;

е) микрофирмалар, кичик корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушуми.

Корхоналар фойдасига хорижий валютада тушган тушум, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўзгача рухсат бўлмаса, республика ваколатли банкларидаги ҳисоб рақамига мажбурий ўтказилиши керак.

Бунинг учун ваколатли банкда корхоналарга:

хорижий валютадаги тушумни тўлиқ миқдорда ўтказиш учун хорижий валютадаги талаб килиб олинадиган иккиламчи (транзит) депозит ҳисоб рақами (кейинги ўринларда транзит валюта ҳисоб рақами деб аталади) очилади;

хорижий валютадаги тушум мажбурий сотилгандан кейин корхоналар ихтиёрида коладиган мабларларни ҳисобга олиш учун хорижий валютадаги талаб килиб олинадиган депозит ҳисоб рақами (кейинги ўринларда валюта ҳисоб рақами деб аталади) очилади.

Валюта тушумини корхоналарнинг транзит валюта ҳисоб рақамларига ўтказишда ваколатли банклар навбатдаги иш кунидан кечикмай бу хақда уларни хабардор қиладилар

Мажбурий сотилиши керак бўлган маблаг корхоналар томонидан мазкур Тартиб талаблари ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Марказлаштирилмаган валюта тушумини мажбурий сотиш тушум корхонанинг транзит валюта ҳисоб ракамига тушган санадан бошлаб 5 банк кунидан кечикмай, марказлаштирилган экспорт бўйича эса 3 банк кунидан кечикмай амалга оширилади. Бунда 500 АҚШ долларига тенг бўлган микдордан ошмайдиган хорижий валютадаги тушумдан мажбурий сотишни хар ўн кунда амалга оширишга рухсат берилади.

Олдиндан тўланган тўлов (аванслар) корхоналарнинг транзит валюта ҳисоб ракамига тушганда ушбу маблағлар экспорт қилувчиларнинг буюртманомалари бўйича кейинчалик экспорт хақиқатда амалга оширилгандан кейин мажбурий сотилган ҳолда валюта ҳисоб рақамларига ўтказилиши мумкин.

Сотилган хорижий валютанинг сўмдаги тенг қиймати мажбурий сотиш амалга оширилган санадан бошлаб бир кундан кечикмай корхоналарнинг ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Валюта тушумини мажбурий сотиш учун корхоналар ўзининг валюта ҳисоб рақамлари очилган ваколатли банкларга хорижий валютадаги маблағларни ўтказишга топшириқни тақдим этадилар.

Маблаг тушгандан кейин корхоналар белгиланган муддатда мажбурий сотишни амалга ошириш учун топшириқни тақдим этмаган ҳолларда ваколатли банклар валюта малағларини мустакил сотиш хукуқига эга бўладилар.

Товарлар ва хизматларни марказлаштирилмаган экспорт бўйича сотишдан олинган хорижий валютадаги тушумнинг 50 фоизи ваколатли банкларга мажбурий сотилиши керак.

Ваколатли банклар томонидан валюта тушумининг бир кисми корхоналар томонидан мажбурий сотилиши тартибида сотиб олинган хорижий валютадаги маблағлар белгиланган тартибда биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

Корхоналарнинг пахта толаси экспорти ҳисобига тушувчи хорижий валютадаги барча тушуми Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий сотилиши керак.

Марказий банк томонидан корхоналар томонидан хорижий валютадаги тушумнинг мажбурий сотилиши тартибида сотиб олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта захираларига ўтказилади, унинг балансида ҳисобга олинади ва Ўзбекистон Республика валюта биржасида сотиш йўли билан миллий валютани барқарорлаштириш тадбирларига сарфланади.

Ваколатли банклар томонидан марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган экспорт бўйича валюта тушумини ўтказиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш ва мажбурий сотишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

13- бўлим. Ваколатли банклар томонидан эркин конвертирланадиган валютада инвестицион лойихаларни кредитлаш тартиби.

Ваколатли банклар томонидан эркин конвертирланадиган валютада инвестицион лойихаларни кредитлаш тартиби «инвестицион лойихаларни

эркин конвертирланадиган валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом» асосида амалга оширилади.

Ваколатли банклар ўзларининг Уставларига ҳамда валюта операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензияларида уларга берилган хуқуқларга мувофиқ равишда амалга оширилаетган инвестицион лойихалари учун корхона ва ташкилотлар (қарз олувчилар) чет эл валютасида кредитлашни амалга оширадилар.

Карз олувчилар чет эл валютасидаги банк кредитидан кредитлашнинг: таъминланганлик, аниқ мақсадга мўлжалланганлик, муддатлилик, қайтаришлик, тўловлилик каби тамойилларига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланадилар ва улар кредитлардан самарали фойдаланиш учун жавобгардир. Кредитлаш шартлари бузилган ҳолларда уларга нисбатан иктисодий таъсир чоралари қўлланилади.

Қарз олувчилар чет эл валютасидаги кредит ҳисобидан сотиб олинган ускунанинг ўз вақтида ўрнатилиб, монтаж килиниши ва ишга туширилиши, ускунанинг ишлаб чиқариш қуввати ва бошқа кўрсаткичларни лойихада кўрсатилган даражага етказиш ҳамда кредитдан аниқ мақсадда ва самарали фойдаланишни таъминлаши шарт.

Қарз олувчи кредит олиш учун ваколатли банкка асослаб берилган илтимоснома билан мурожаат қилади. Қарз олувчининг илтимосномаси ва унга илова қилинаётган ҳужжатларда қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлиши шарт:

А) кредит олишдан максад, суммаси ва унинг қанча муддатга сўралаётгани;

Б) хориждан сотиб олинаетган товарнинг тавсифи, қайси мамлакатдан сотиб олиниши, тўлов валютаси, нархи, ускуналар сотиб олинаётган бўлса – зарур бўлган хом ашё билан таъминлаш манбалари тўғрисидаги маълумотлар.

В) кредитланаетган тадбир, унинг валютада ўзини қоплашнинг техник - иқтисодий жиҳатдан асослаб берилиши

Г) кредитдан фойдаланиш ва уни тўлаш муддатининг ҳисоб - китоби

Д) кредитни қоплаш таъминоти, шу жумладан гаров мажбурияти

Кредит бериш тўғрисидаги масалани хал қилишда кредитни тўлаш манбаларининг мавжудлиги ва кафолатланганлигига, илгари берилган кредитлар бўйича қарз олувчилар томонидан ваколатли банклар олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишига алоҳида эътибор берилади. Ваколатли банк берилган хар бир кредит бўйича ҳужжатлар йиғма жилдини тутади ва унда кредит шартномасининг бир нусхаси, шартнома нусхалари ҳамда мазкур кредитга тегишли барча ҳужжатлар ва ёзишмалар сақланади.

Ссуда ҳисоб варақлари банкнинг фармойишига асосан очилиб, унда хар бир ҳисобварақни юритиш тартиби белгиланади.

Берилган кредитлар бўйича операциялар шартномалар ва тўлов ҳужжатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда банк томонидан амалга оширилади.

Кредит бўйича қарз олувчининг топшириғига кўра унинг талаб килингунча сақланадиган чет эл валютасидаги депозит ҳисобварағидан тўланади. Кредит бўйича қарзни тўлашда биринчи навбатда кредитдан фойдаланганлик учун фоиз суммаси ундирилади. Амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда қарз, сўмдаги маблағларни ички валюта бозорида эркин алмаштириладиган валютага алмаштириш оркали, тўланишига йўл қўйилади. Кредит бўйича қарзлар кредит шартномасида келишилган муддатларда тўланмаган ҳолларда кредит муддати кечиктирилган ҳисобланади.

Ваколатли банклар қарз олувчи томонидан кредит шартномалари шартларининг бажарилиши, чет эл валютасида берилган кредитлардан аниқ мақсадда ва ўз вақтида фойдаланилиши, уларнинг таъминланганлиги, қарз олувчининг асосий қарзни ўз вақтида ва тўлик тўлаши, мажбурият учун фоизлар ва воситачилик хақи тўланиб борилишини назорат қиладилар.

Ваколатли банклар кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган қарз олувчиларга нисбатан қуйидаги чораларни қўллаш хуқуқига эга:

- кредитлашни вақтинча ёки бутунлай тухтатиш.

- берилган кредит бўйича карзнинг жами суммасини муддатидан олдин ундириб олиш;
- кредит бўйича фоиз ставкасини ошириш (ускуналар ўз вақтида монтаж килинмаганда ва ишга туширилмаган ҳолларда).

Қарз олувчи кредит шартномаси шартлари, банк талаблари ва кўрсатмаларини мунтазам равишда бажармаган ҳолларда ваколатли банк, кредит шартномаси шартларига мувофиқ, қарз олувчилардан уларга чет эл валютасида берилган барча кредитларни муддатидан олдин тўлашни талаб қилиши мумкин.

Ваколатли банклар инвестицион лойихаларни кредитлаш тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шакл ва муддатларда тақдим этадилар.

14- бўлим. Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда норезидент шахсларнинг ҳисоб варақаларини юритиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 5 сентябрь 510-сонли «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш Тартиби»га кўра Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақлар жисмоний ва юридик шахслар – норезидентларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ваколатли банклари билан тегишли битимларни тузган чет эл банкларига очилади.

Норезидент юридик шахсларнинг миллий валютадаги ҳисобварақлари қуйидаги юридик шахс – норезидентлар, шу жумладан

- иммунитет ҳамда дипломатик имтиезлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари,
- халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ҳисобварақлар очишга хақлидирлар.

Норезидент юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси пул бирлигидаги ҳисобварақларига қуйидаги маблағлар киритилиши мумкин:

- резидентлар учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозорида валютани сотишдан тушган тушум;
- Ўзбекистон Республикаси худудида қонуний асосда олинган консуллик йиғимлари суммалари ва бошқа маблағлар;
- чет элдаги бош корхонадан Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларига чет эл банкларининг “лоро” ҳисобварақларидан келиб тушадиган суммалар;
- хайриялар ва молиявий ёрдам шаклида тушаётган маблағлар;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланганадиган бошқа ҳолларда.

Норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида юритилаетган ҳисобварақларидаги маблағлардан ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра норезидентнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги уларни сақлаш билан боғлиқ жорий харажатларини тўлаш учун жумладан:

- ▲ ижара тўлови,
- ▲ коммунал хизматлари ва шу турдаги бошқа хизматлар хақини тўлаш учун;
- ▲ уларнинг жорий фаолиятини таъминлаш мақсадида товар-моддий бойликлар сотиб олишга;
- ▲ алоқа тармоқларидан фойдаланганлик учун ижара тўловига;
- ▲ юклар, почта жўнатмалари ва даврий нашрларни ташиш ва етказиб бериш учун тўловларга;
- ▲ ходимларга мехнат шартномалари бўйича иш хақи ва бошқа мукофотларни тўлашга;
- ▲ ходимларнинг хизмат сафари харажатлари учун тўловларга;

- мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича суғурта бадаллари ўтказмаларига; бахтсиз ходисалар юз берганда, касал бўлганида ходимларни даволаш хақини тўлаш учун,
- шунингдек амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

Норезидент юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида юритилаётган ҳисобварағидаги нақд пул малағларидан ходимларнинг хизмат сафарлари харажатларини, шунингдек, резидент юридик шахсларга белгиланган тартибда бошқа харажатларни тўлаш учун мехнат шартномалари бўйича иш хақи ва бошқа тўловларни тўлашга етарли бўлган миқдорда олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида норезидент – жисмоний шахслар учун очиладиган ҳисобварақлар Ўзбекистон Республикасида вақтинчалик истиқомат қилаётган чет эллик фукароларга очилади.

Ушбу ҳисобварақларга чет эллик фуқаро томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига олиб келинган, амалдаги тартибга мувофиқ айирбошлаш пунктларида чет валютасига харид қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида қонуний асосда олинган бошқа суммалар киритилиши мумкин.

Норезидент – жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги малағларини республика худудида яшаб турган пайтида жорий харажатлар учун тўловларга сарфлашлари мумкин.

Чет эл банклари Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларида қуйидаги ҳисобварақларни очишлари мумкин:

- Чет эл банкларининг миллий валютадаги “лоро” вакиллик ҳисобварақлари

Ўзбекистон Республикаси ваколатли банклари вакиллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида тузилган битимларга мувофиқ чет эл банкларига Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида вакиллик ҳисобварақларини очадилар.

Ваколатли банклар вакиллик ҳисобварақларига Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қуйидаги маблағлар киритилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси ваколатли банклари орқали ва Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида чет эл валютасини сотишдан тушган маблағлар;
- агарда контрактларда ҳисоб-китобларни сўмда амалга ошириш кўзда тутилган бўлса, импорт контрактлари бўйича товар етказиб бериш ёки хизмат кўрсатишдан тушган пуллар (бунда Ўзбекистон Республикаси резиденти – импорт қилувчига хизмат кўрсатувчи банк чет эл банки вакиллик ҳисобварагига маблаг ўтказиш тўғрисидаги тўлов ҳужжатида импорт битим паспорти ва тузилган контрактнинг варақларини кўрсатган ҳолда тўлов мақсадларини қайд этади);
- қонунчиликда кўзда тутилган бошқа жорий халқаро операциялардан олинган.

Чет эл банклари вакиллик ҳисобварақларига Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ҳисобга киритилган маблағлар қуйидагиларга сарфланиши мумкин:

- товар-хом ашё ва дехкончилик саноат биржаларида тузиладиган экспорт контрактлари бўйича олиб чиқилаетган товарлар хақини тўлашга;
- ўрнатилган тартибда норезидентлардан ўтказмалар, ижтимоий ахамиятга эга бўлган тўловлар ва трансфертлар кўринишида маблағлар ўтказишга;
- корхонанинг устав капиталини шакллантиришга;
- қонунчиликда белгиланган бошқа мақсадларга.

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг топшириғига биноан чет эл банклари вакиллик ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш манъ этилади.

15- бўлим. Миллий валюта сўмни Республика худудига олиб кириш ва ташқарига олиб чиқиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республика нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги

Низом (2004 йил 16 мартда 1326 сон билан рўйхатга олинган)га кўра.Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши ва республикадан ташқарига олиб чиқилиши божхона қоидаларига риоя қилиш шарти билан амалга оширилади.

Жисмоний шахслар – резидент ва норизденлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси – сўмни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва республикадан ташқарига олиб чиқишга Ўзбекистон Республикаси да белгиланган энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 50 бараваридан ошмайдиган суммада рухсат берилади. Нақд миллий валютани юқорида қайд этилган суммадан ортиқча олиб чиқилишига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини юридик шахслар – резидент ва норезидентлар томонидан олиб кирилиши ва олиб чиқилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки , шунингдек , Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсатномаси бўлган тақдирда ваколатли банклар бундан мустасно.

16- бўлим. Ваколатли банкларга валюта операцияларини амалга ошириш тартиби бузилганда кўриладиган чоралар .

Ваколатли банк томонидан очиқ валюта позициясининг белгиланган лимитларига риоя қилинмаса ёки тегишли ҳисоботлар тақдим қилинмаса, Марказий банк томонидан валюта операцияларини ўтказиш 6 ой муддатгача тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Хорижий валюта ва хорижий валютадаги тўлов ҳужжатларини сотиш ва сотиб олиш тартиби бузилганда ваколатли банк ушбу операциялардан олган даромадининг икки баробари миқдорида жаримага тортилади.

Ваколатли банк тамонидан валюта биржасидан сотиб олинган хорижий валюта мақсадсиз ишлатилса, ишлатилган сумманинг 10% миқдорида жарима олинади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби бузилганда, хар бир тартиббузарлик холати учун банк минимал устав капитали миқдорининг 0,01% миқдорида жарима ундирилади.

Ваколатли тижорат банклар томонидан белгиланган шаклдаги ҳисоботлар ўрнатилган муддатларда тақдим этилмаса, ёки хатоларга йўл қўйилса, Марказий банк томонидан мазкур банкка огохлантириш хати берилади.

Агар тижорат банки ушбу хатоларни бир неча марта такрорласа минимал устав капитал хажмининг 0,1 фоизи миқдорида жарима ундирилади.

Бундан ташкари, экспорт шартномалари бўйича валюта тушуми қонунда белгиланган муддатларда келиб тушмаса, импорт шартномалари бўйича амалга оширилган олдиндан тўловлар шартномаларда белгиланган муддатларда ёки олдиндан тўлов кунидан 180 кундан кам бўлмаган ҳолларда товарлар келиб тушмагани учун ўз вақтида солиқ органларига банк томонидан хабар берилмаган тақдирда хар бир холат учун минимал устав капитал хажмининг 0,01 фоизи микдорида, лёкин 0,1 фоиздан кўп бўлмаган ҳолда жарима ундирилади.

Нотўғри рўйхатга олинган хар бир экспорт-импорт шартномалари учун минимал устав капитал хажмининг 0,01 фоизи миқдорида, лёкин 0,1 фоиздан кўп бўлмаган ҳолда жарима ундирилади.

Жарималар тўлов кунидаги Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалентларда ундирилади.

Ваколатли банклар томонидан лицензия шартлари, аамалдаги қонунчилик ва Марказий банк норматив ҳужжатлари мунтазам бузилган тақдирда, ваколатли банкдан хорижий валютадаги операцияларни амалга ошириш учун берилган лицензия чақириб олиниши мумкин.

17-бўлим. Валюта операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби.

17.1. Нақд чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

Нақд чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари билан ўтказиладиган операцияларнинг ҳисобини юритиш учун асосан қуйидаги баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади:

10101 «Оборот кассадаги нақд пуллар»

Бу ҳисобварақда кассадаги нақд пуллар ва тангаларнинг умумий суммаси ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақ дебетида бўйича нақд пуллар тушуми ва кредит бўйича нақд пулларнинг берилиши қайд этилади.

10103 «Айирбошлаш шахобчалари кассасидаги нақд пуллар»

Бу ҳисобварақда айирбошлаш шахобчалари кассасидаги нақд пул малағларининг умумий суммаси кўрсатилади. Кун тугашида мазкур ҳисобварақ 10101 ҳисобварағида ёпилади.

Ҳисобварақ дебетида нақд пуллар тушуми ва кассир томонидан ҳисобдорлик сифатида олинган нақд пуллар ва кредитида нақд пулларни бериш ва 10101 ҳисобварағига ёпилиши қайд этилади.

10105 «Чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Бу ҳисобварақда қабул қилинган йўл чеклари ва бошқа тўлов ҳужжатлари умумий суммаси кўрсатилади.

Ҳисобварақ дебетида қабул қилинган чеклар ва бошқа тўлов хужжалари ва кредитида уларнинг тўланиш суммалари қайд этилади.

10109 «Йўлдаги пуллар»

Бу ҳисобварақда бошқа банкларга жўнатилган нақд чет эл валютаси ва бошқа тўлов ҳужжатлари умумий суммаси кўрсатилади.

Ҳисобварақ дебетида Жўнатилган нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари суммаси ва кредитида келиб тушиши тасдиқланган суммалар қайд этилади.

17101 «Спот шартлари асосида валютани харид қилиш ва сотишга доир ҳисобварақлар»

Бу ҳисобварақда валютани харид қилиш ва сотиш ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақ дебети ва кредитида спот трансакцияси холатида валюта дархол ўтказилганда валютанинг жорий курси бўйича ёки спот курси бўйича харид қилиниши ва сотилиши қайд қилинади.

17.2. Нақд чет эл валютасини сотиш ва сотиб олишга доир бухгалтерия ўтказмалари (АҚШ доллари мисолида).

1) Айирбошлаш шахобчаси ходимига ҳисобдорлик асосида сўмдаги нақд пуллар суммаси берилади:

1- ўтказма – фақат миллий валютага оид Бош дафтарда:

Дебет 10103 «Айирбошлаш шахобчаси кассасидаги нақд пуллар»

Кредит 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»

2) Айирбошлаш шахобчаси томонидан харид қилинган нақд чет эл валютаси суммасига:

2- ўтказма - фақат АҚШ долларига оид Бош дафтардада

Дебет 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 17101 «Спот шартлари асосида валютани харид қилиш ва сотиш»

3- ўтказма - фақат миллий валютадаги Бош дафтарда

Дебет 17101 «Спот шартлари асосида валютани харид қилиш ва сотиш»

Кредит 10103 «Айирбошлаш шахобчаси кассасидаги нақд пуллар»

3) Банк кассасига нақд пул қолдиқларини киритиш

ўтказма - фақат миллий валютага оид Бош дафтарда

Дебет 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10103 «Айирбошлаш шахобчаси кассасидаги нақд пуллар»

▲ Тўловга яроқсиз пулларни ва тўлов ҳужжатларини инкассога қабул қилиш

ўтказма - фақат АҚШ долларига оид Бош дафтарда

Дебет 90972 «Векселларни инкассога қабул қилиш- хорижий

Кредит 96323 «Векселларни инкассога қабул қилиш бўйича контр-ҳисобрақами»

▲ Хорижий вакил банкка инкассо учун йўлланма

ўтказма – фақат АҚШ долларига оид Бош дафтарда

Дебет 90986 «Векселларни инкассога жўнатиш – хорижий»

Кредит 96330 «Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ»

Бир пайтнинг ўзида кўзда тутилмаган холатлар ҳисобрақамида

Дебет 96330 «Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ»

Кредит 90986 « Инкассога жўнатилган векселлар – хорижий»

▲ инкассога жўнатилган ҳужжатлар учун хизмат хақи олинганда:

ўтказма – фақат АҚШ долларига оид Бош дафтарда

Дебет 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар» (ёки вакил банк ҳисобрақами)

Кредит 29801 «тўлов учун ҳисобрақамлар»

Бир пайтнинг ўзида кўзда тутилмаган холатлар ҳисобрақамида

Дебет 96330 «Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ»

Кредит 90986 « Инкассога жўнатилган векселлар – хорижий»

хорижий вакил банк томонидан тўланмаган ҳужжатларнинг қайтарилиши:

ўтказма – фақат АҚШ долларига оид бош дафтарда

Дебет 96330 «Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ»

Кредит 90986 « Инкассога жўнатилган векселлар – хорижий»

дебет ва кредит пластик карточкалар бўйича маблаг берилиши:

9 – ўтказма – фақат АҚШ долларига оид Бош дафтарда

Дебет 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 20206 «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақлари»

Бир пайтнинг ўзида

Дебет 20206 «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақлари»

Кредит 20206 «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақлари (карточка эгасининг ҳисобрақами бўйича)»

▲ Айирбошлаш шахобчаси ходимига ҳисобдорлик асосида нақд чет эл валютаси бериш:

10 – ўтказма – фақат АҚШ долларига оид Бош дафтарда

Дебет 10103 «Айирбошлаш шахобчаси кассасидаги нақд пуллар (ҳисобдор шахснинг шахсий ҳисобрақами бўйича)»

Кредит 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»

11- ўтказма - фақат АҚШ долларига оид Бош дафтарда

Дебет 17101 «Спот шартлари асосида валютани харид қилиш ва сотиш»

Кредит 10103 «Айирбошлаш шахобчаси кассасидаги нақд пуллар (ҳисобдор шахснинг шахсий ҳисобрақами бўйича)»

12- ўтказма – Фақат миллий валютага оид Бош дафтарда

Дебет 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 17101 «Спот шартлари асосида валютани харид қилиш ва сотиш»

Чет эл валютаси қолдиғини банк кассасига киритиш:

13 – ўтказма фақат АҚШ долларига оид Бош дафтарда

Дебет 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10103 «Айирбошлаш шахобчаси кассасидаги нақд пуллар (ҳисобдор шахснинг шахсий ҳисобрақами бўйича)»

Олинадиган воситачилик хақи суммасига:

14 – ўтказма фақат миллий валютага оид Бош дафтарда

Дебет 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 45409 «Валюта трансакциялари бўйича маржа»

▲ Сотиш ва сотиб олиш курслари ўртасидаги ижобий курс фарқи суммасига:

15 – ўтказма фақат миллий валютага оид Бош дартарда

Дебет 17101 «Спот шартлари асосида валютани харид қилиш ва сотиш»

Кредит 45401 «Спот операциялар бўйича чет эл валютасида олинган фойда»

▲ Марказий банкнинг курси билан сотиш курси ўртасидаги ижобий курс фарқи суммасига:

16 – ўтказма фақат миллий валютага оид Бош дафтарда

Дебет 17101 «Спот шартлари асосида валютани харид қилиш ва сотиш»

Кредит 45401 «Спот операциялар бўйича чет эл валютасида олинган фойда»

▲ Марказий банкнинг курси билан сотиш курси ўртасидаги салбий курс фарқи суммасига:

17 – ўтказма фақат миллий валютага оид Бош дафтарда

Дебет 55302 «Спот операциялари бўйича чет эл валютасида олинган зарар»

Кредит 17101 «Спот шартлари асосида валютани харид қилиш ва сотиш»

15) Тўловга яроқсиз пул белгиларини яроқлисига алмаштиришда

18 – ўтказма фақат АҚШ долларига оид Бош дафтарда

Дебет 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар (бузилган пул белгилари шахсий ҳисобрақами)

Кредит 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Банк кассасига нақд чет эл валютаси жамгармага қабул қилинганда:

19 – ўтказма фақат АҚШ долларига оид Бош дафтарда

Дебет 10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит «Мижозларни тегишли депозит ҳисобрақамлари»

Банк кассасидан хизмат сафари харажати учун чет эл валютаси бериш:

20 – ўтказма фақат АҚШ долларига оид Бош дафтарда.

Дебет «Мижозларни тегишли депозит ҳисобрақамлари»

Кредит 10101 «айланма кассадаги нақд пуллар»

17.3. Йўл чекларини қабул қилиш ва фойдаланиш бўйича бухгалтерия ўтказмалари.

Норезедентлардан йўл чекини чел эл валютасида тўловга қабул қилиш:

Дебет / кредит	Шахсий ҳисобварақ тури	Сумма
Д-т 10105	Чеклар ва бошқа тўлов	Тўловга қабул

	ҳужжатлари	қилинган чек суммаси
К-т 10101 / 10103	Айланма кассасининг / айирбошлаш шахобчаларидаги нақд пул	Чет эл валютасида берилган нақд маблағлар суммаси

Норезидентлардан йўл чекларини тўловга қабул қилишда воситачилик хақини ундириш:

Дебет / кредит	Шахсий ҳисобварақ тури	Сумма
Д-т 10101 / 10103	Айланма кассадаги / айирбошлаш шахобчасидаги нақд пул	Воситачилик хақи суммаси
К-т 17101	Чет эл валютасидаги позицион шахсий ҳисобварақ	Воситачилик хақи суммаси
Д-т 17101	Миллий валютадаги позицион шахсий ҳисобварақ	Воситачилик хақи суммаси
К-т 45253	Тўловлар бўйича воситачилик даромадлари	Воситачилик хақи суммаси

3) Йўл чеклари миллий валютада тўланганда:

Дебет / кредит	Шахсий ҳисобварақ тури	Сумма
Д-т 10105	Чеклар ва кассанинг бошқа ҳужжатлари	Йўл чеки суммаси
К-т 17101	Чет эл валютасидаги позицион шахсий ҳисобварақ	Йўл чеки суммаси
Д-т 17101	Миллий валютадаги позицион шахсий ҳисобварақ	Йўл чекининг сўмлардаги тенг қийматли суммаси
К-т 10101 / 10103	Айланма касса / айирбошлаш шахобчаларидаги нақд пул	Йўл чекининг сўмларга тенг қийматли суммаси (воситачилик хақи олингандан сўнг)

4) Норезидентларга йўл чекларини сотишда

Дебет / кредит	Шахсий ҳисобварақ тури	Сумма
Д-т 10101 / 10103	Кассанинг нақд пули	Йўл чекининг қиймати ва банк

		томонидан ундирилган воситачилик хақи
К-т 19997	Бошқа активлар – йўл чекларини харид қилиш / сотиш	Йўл чекининг қиймати
К-т 17101	Чет эл валютасидаги позицион шахсий ҳисобварақ	Воситачилик хақи суммаси
Д-т 17101	Миллий валютадаги позицион шахсий ҳисобварақ	Воситачилик хақи суммаси
К-т 45253	Тўловлар бўйича воситачилик даромадлари	Воситачилик хақи суммаси

17.4. Хорижий валюта билан амалга ошириладиган операциялар бўйича ваколатли банклар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хорижий валютада операцияларн амалга оширувчи ваколатли банкларга қуйидаги ҳисобот шакллари ўрнатилган:

4- Экспорт контрактларини ҳисобга олиш бўйича ҳисобот (хар ойнинг 10 санасига тақдим қилинади);

5- Импорт контрактларини ҳисобга олиш бўйича ҳисобот (хар ойнинг 10 санасига тақдим қилинади);

6- Бартер контрактларини ҳисобга олиш бўйича ҳисобот (хар ойнинг 10 санасига тақдим қилинади);

7- Норезедентларга чет эл валютасидаги тўловлар тўғрисидаги ҳисобот (хар ойнинг 10 санасига тақдим қилинади);

8- 30% мажбурий тўловларни амалга ошириш бўйича маълумотнома (хар 5 кунда Молия вазирлигига, хар 10 кунда МБ га, хар 15 кунда ДСБ га, хар ойда туман ДСИ га)

9- Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқаридаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома (ҳисобот ойининг 10 санасига)

10- Айирбошлаш шахобчалари орқали чет эл валютасида амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотнома (кунлик)

11- Чет эл валютасидаги активлар ва пассивлар харакати тўғрисидаги ҳисобот (хар ойда 5 санагача);

12- Нақд хорижий валюта харакати тўғрисидаги ҳисобот (743,743а шакллар ойлик 5 санагача)

13- Банклар ва мижозлар ҳисобрақамларидаги хорижий валюта харакати ва қолдиги тўғрисидаги маълумотнома (хар ойнинг 5 санасига Молия вазирлигига)

14- Хорижий банкларда очилган кррҳисобрақамлар тўғрисидаги маълумотнома (хар ойнинг 5 санасига);

15- Жисмоний шахсларнинг валюта ҳисобварақлари бўйича харакатлар ва қолдиқ, ҳамда нақд хорижий валютани олиб чиқиш учун берилган рухсатномалар тўғрисидаги маълумотнома (хар ойнинг 5 санасига)

16- Биржадан ташқари валюта бозори айланмалари тўғрисидаги маълумотнома (хар хафтада МБ ва МВ га)

17.5.«Валюта қолдиқларини қайта баҳолаш» автоматлаштирилган банк тизими

17.5.1.Умумий қоидалар.

«Валюта қолдиқларини қайта баҳолаш» АИЖ хисоб – китоб ишларини амалга ошириш, «Спот» туридаги операциялар ҳамда девальвациядаги заҳиралар бўйича фойдани аниқлаш буйича бухгалтерия проводкаларини амалга ошириш учун белгиланган.

АИЖ да иш бошлаш ҳар бир валюта тури учун девальвациядаги (30906 баланс ҳисобварағи) заҳираларнинг умумий ҳисобини ва банкнинг валюта позициясини (17101) аниқлаш билан бошланади.

Ҳисоб – китобларни бошлаш учун девальвациядаги заҳираларга «овердрафт текширувисиз» характерестикаси ўрнатилади. «Сўм» даги валюта позицияси ҳисоб – китобини амалга ошириш учун ҳам худди юқоридаги иш бажарилади.

Ҳар бир валюта операцияларининг тури учун алоҳида валюта позицияси ҳисобларини очиш керак. Масалан: АҚШ доллари учун АҚШ доллари бўйича Бош китобида ҳисобварақлар очилади:

17101840..001-нақд валютани сотиш (актив) - валюта позицияси (сотиш) 17101840..002- нақд валютани сотиб олиш (пассив)- валюта позицияси (сотиб олиш) 17101840..003-нақд пулсиз валюта сотилиши (актив)- валюта позицияси (сотиш) 17101840..004-нақд пулсиз валюта сотиб олиш (пассив) валюта позицияси (сотиб олиш) 17101840..005, 30% мажбурий сотув (актив) валюта позицияси (сотиш) 17101840...999 (актив/пассив) валюта позицияси (дисбаланс).

Бир пайтнинг ўзида Бош китобда «сўм» да ҳисобварақлар очилади:

1710100...001-нақд АҚШ доллари сотуви (пассив)-сўмли валюта позицияси (сотиш) 1710100...002-нақд АҚШ доллари валютасини сотиб олиш (актив)-«сўм»даги валюта позицияси (сотиб олиш). 1710100...003-нақд пулсиз АҚШ доллари валютасининг сотуви (пассив) «сўм»даги валюта позицияси (сотув) 1710100...004-нақд пулсиз АҚШ доллари валютасини сотиб олиш (актив)-«сўм»даги валюта позицияси (сотиб олиш).1710100...005 30% мажбурий АҚШ долларининг (пассив) «сўм»даги валюта позицияси (сотиш) 1710100...006-АҚШ долларини қайта баҳолаш (актив)(пассив) валюта қолдиқларини қайта баҳолаш ҳисоби.

17.5.2. А.И.Ж Интерфейси

Фойдаланувчи ўзининг шахсий паролини киритгандан кейин қуйидаги ойна пайдо бўлади.



«Протокол» тугмаси босилганда ойнада протокол ҳисоботи ва қайта баҳолаш бўйича бажарилган проводкалар кўрсатилади.

«Информация» тугмаси босилганда берилган валютадаги маълумотлар: ҳисобварақларнинг қолдиқлари ва х.к. чиқади.

«Рассчитать» тугмаси фойда ва девалвациядаги заҳирани аниқлаш бўйича ҳисоб - китобларни амалга ошириш учун хизмат қилади.

«Сохранить» тугмаси иш жараёнини турли ўзгартиришлардан сақлайди (хотирага олади).

«Отменить» тугмаси иш жараёнига киритилган ҳамма ўзгаришларни бекор қилади.

«Выход» тугмаси программадан чиқиш операциясини, «Проводка Прибыль Убытки» тугмаси берилган валюта бўйича ҳужжатни ўтказади. «Проводка Резерв на девалвацию» тугмаси берилган валюта бўйича ҳужжатни, «Проводки по всем валютам» тугмаси барча валюталар бўйича ҳужжатларни ўтказади.

17.5.3. Валюта бўйича маълумот



Валюта буйича маълумотларни сўралганда юқоридаги ойна чиқади.

Тегишли валюта танлангандан сўнг ойнанинг пастки қисмида валюта қолдиқлари ва уларнинг қайта баҳоланиши билан боғлиқ бўлган ҳамма махсус хисоб - китоблар кўрсатилади.

«Протокол» тугмаси хисоб-китоб протоколи ва қайта баҳолаш бўйича бажарилган проводкаларни кўрсатади. «Карточка счёта» тугмаси хисоб – китобларнинг реквизитларини кўриб чиқиш, ўзгартириш, олиб ташлаш ёки махсус ҳисоб - китобларни амалага ошириш имконини беради.

17.5.4 .Ҳисобварақлар карточкаси.

«Ҳисобварақлар карточкаси»ни кўриб чиқиш чақиртирилганда қуйидаги ойна пайдо бўлади.



«Изменит» тугмаси программани махсус ҳисоб – китобнинг характеристикасини муҳаррирлаш тизимига ўтказади.

« Добавить» тугмаси янги ёзувларни қўшади ва мухаррирлаш тугмасига ўтказади.

«Удалить» тугмаси берилган ҳисоб бўйича ёзувларни олиб ташлайди.

«Сохранить» тугмаси ўзгартириш сақлайди.

«Отменить» тугмаси ўзгартиришларни бекор қилади.

«Выход» тугмаси кўриб чиқишдан чиқади ва олдинги ойнага қайтади.

17.5.5. Протокол.

«Протокол»ни чиқартирилганда қуйидаги ойна чиқади.



«Информация» тугмаси берилган валюта, ҳисоб – китоб, қолдиқлар ва ҳоказолар бўйича маълумотларни чиқариш учун хизмат қилади.

«Карточка счёта» тугмаси ҳисобварақларнинг реквизитларини кўриб чиқиш, ўзгартириш, олиб ташлаш ёки махсус ҳисоб – китобларни қуйиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 29.06.2000 йил 245-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби» тўғрисидаги Карори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 13.01.1996 й. 95-сон Қарорига 1-илова қилинган **"**Импорт операциялар бўйича контрактларни ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тўғрисида Низом"и.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 26 декабрдаги (Адлия Вазирлигида 1999 йил 5 февралда 622 сон билан рўйхатга олинган 2000 йил 22 майда 622-1 сонли ўзгартиришлар билан биргаликда) Низоми.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан олиб бориладиган касса иши тўғрисидаги Низом»и.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 16 мартда 1326 сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республика нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом».

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 5 сентябрь 510-сонли «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш Тартиби».

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 14.05.2002 й. 1137-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 22.04.2002 й. 215-сон ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ

Қўмитасининг 02/19-10-сон Карори иловасидаги “Ҳисоб-китоблар маълумотномаси расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом”и

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 09.08.2000 й. 954-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида 30.06.2000 й. 393-сон билан тасдикланган “Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ҳамда улар ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом”

Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 18 ноябрда 539-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида”ги Йўриқномаси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 14 мартдаги 1114 сонли «Айирбошлаш шахобчаси тўғрисидаги Низом»и.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 12 августдаги 1165 сонли «Ўзбекистон Республикаси худудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом»и.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 3 августдаги 466 сонли «Очиқ валюта позициясини юритиш Қоидаси»

ҚАЙДЛАР УЧУН